O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 8-noyabr • Shanba • 133 (27.938) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳеч бир халқнинг қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўпларнинг ёки бошқа қуролярогларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор, миллатнинг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамоқ керак.»

✓ Эртага — Тиббиёт ходимлари куни

ТИББИЁТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҚАДАМЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси ва тиббиёт ходимлари меҳнатига эътиборнинг яна бир тарихий эътирофи бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ мана уч йилдирки, ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда тиббиёт ходимларининг касб байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз НАЗИРОВ билан соҳадаги ислоҳотлар натижалари ҳақида суҳбатлашди.

— Феруз Ғафурович, бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар, янгиланишлар бошланган эди. Дастлаб 1998 йил 10 ноябрда Президент Фармони қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тайёрланди. Ўтган вақт мобайнида мазкур дастурда белгиланган вазифалар қай даражада бажарилди?

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни вояга етказиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини жаҳон талаблари даражасига етказиш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил Фармони билан тасдиқланган **«Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»** соҳани босқичма-босқич ислоҳ қилиш юзасидан ўта муҳим тарихий қадам бўлди.

2-бет >

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Марғилон шаҳрида бугунги кунда замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган еттита оилавий поликлиника аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт ходимларига қаратилаётган эътибор зиммамизга янада катта масъулият юкламоқда,— дейди Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Миркомил Фозилов. — Жорий йилда бир қатор ҳайрли ишлар амалга оширилди. Реанимация, ички касалликлар, жарроҳлик, болалар бўлимлари замон талаблари асосида таъмирланди. Шунингдек, туғруқ уйи бугун янада чирой очиб, бу ерда барча қулайликлар яратилди. Айниқса, шаҳардаги 2-оилавий поликлиника хизматидан барча мамнун. Яқинда ушбу шифо маскани ҳам янги тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

***Суратларда:** 2-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Аҳаджон Собиров беморга тиббий хизмат кўрсатмоқда; диагностика консультатив поликлиникаси лаборанти Шерзодбек Маткаримов иш устида; 2-оилавий поликлиниканинг муолажа хонаси лаборантлари Муфаззалхон Қорабоева ва Дилбар Аминова иш устида; 2-оилавий поликлиника биносининг кўриниши.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ — САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди.

Болгария Президенти Самарқандниг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонаси билан танишди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг яратилиш тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожи ҳақида маълумот берилди. Г.Парванов Сиёб деҳқон бозорида ҳам бўлди. Миллий ҳунармандлик буюмлари ва санъат асарларини кўздан кечирди.

Болгария раҳбари мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда, унинг тарихий шаҳарлари, жумладан, Самарқандда амалга оширилган тиклаш, таъмирлаш ва қуриш, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди.

Шу куни Самарқанд ва Пловдив шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида мактаб таълимида тенг ҳуқуқлилик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йил 1 май куни имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган ушбу тренингда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруповa мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта таълим олиши, ёшларни миллий анъаналаримизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, фидойилик ғоялари асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. «Таълим тўғриси»даги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим сифатини янада юксалтириш, ижтимоий, тиббий ҳолатидан, жинсидан қатъи назар, барча ёшлар учун тенг, жаҳон андозалари даражасидаги билим олиш учун шароит яратиш имконини бермоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

✓ Фракция фаолияти

ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

2-бет >

✓ ЎзХДП ҳаёти

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

жамият тараққиётининг пойдевори

Ҳар бир инсонда, айниқса, ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган тадбир ана шу масалага бағишланди. Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда бошланғич партия ташкилотлари фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ва завод ишчи-ходимлари иштирок этишди.

— Ватанни севиш, аввало оилани, ўз уйини, ўз ишини севишдан бошланади, — деди фалсафа фанлари номзоди Маргарита Аҳмедбекова. — Қолаверса, фарзандлар онгида миллий қадриятларни шакллантириш, маънавий оламни бойитиш ҳам оила ва мактаб таълим-тарбиясига бевосита боғлиқ. Биз фикр тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз лозим. Чунки ўз мустақил фикрига эга бўлмаган шахс ғаразли мафкура таъсирига осонгина тушади. Фарзандларимизни бундай ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш учун, аввало улар нима билан машғул, ҳали тўла шаклланмаган тафаккурида қандай ўй-фикрлар мавжуд, шунга жиддий эътибор беришимиз, маърифий суҳбатларни кучайтиришимиз керак. Шундагина шахс маънавиятининг юксалишига, жамият тафаккурининг равнақига эришамиз.

— Корхонамизда йигирма нафардан ортиқ ўттиз ёшгача бўлган ЎзХДП аъзолари бор, — деди туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Фотима Алимова. — Қолаверса, корхонада ёшлар маркази ташкил этилган. Марказ бизнинг уюшган ҳолда фаолият олиб боришимиз, сиёсий билимларимизни баҳсмунозаралар орқали мустаҳкамлашимиз учун ёрдам беради. Тенгдош ҳамкасблар билан мунтазам равишда ҳаёт илгари сураётган масалалар, зиммамизда турган вазифалар ҳақидаги баҳслар, муҳокамалар ўтказамиз.

2-бет >

ҚИШЛОҚ МИНИМАРКЕТЛАРИ

Аҳолига сервис ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилиш мақсадида **Андижон** вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси томонидан қурилаётган замонавий минимаркетлар 108 тага етди.

Замонавий жиҳозланган янги савдо дўконларида ҳаридорлару, сотувчиларга барча қулайликлар яратилган. Истеъмолчиларга турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда иссиқ нон мунтазам етказиб берилиши йўлга қўйилган. Андижон туманидаги «Хакан» савдо ва ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамият, шунингдек, Тошлоқ, Олтинкўл туман савдо ва ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти жамоаси ҳаракати билан Иттифоқ, Қўрғонча каби маҳаллаларида ишга туширилган минимаркетлар кўриниши, хизмат кўрсатиши, жиҳозланиши билан шаҳар дўконларидан асло қолишмайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

«O`zbekiston ovozi» muxbirlari xabar qiladilar

«ШОҲЖАҲОН НИЯТ» ШИФЕРЛАРИ

Бинокорлик материаллари индустрияси тизимида **Бухоро** шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Шоҳжаҳон ния» масъулияти чекланган жамият маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради.

— Биз ишлаб чиқараётган том қоплама материаллари жуда пишиқ ва сифатли, — дейди корхона раҳбари Собир Болтаев. — Хитойдан олиб келинаётган каустик магнезий кукуни, қум ва ёғоч қипиғи аралашмаси асосида ҳар хил ўлчамдаги шиферлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар куни 200 дона ана шундай маҳсулот пешма-пеш савдога чиқарилмоқда.

Биргина бу эмас, корхонада шарқ ва ғарб услубларида шип ва девор қопламалари ҳам юксак сифат билан тайёрмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

«САХОВАТ» МАҲСУЛОТЛАРИ

СУРХОНДАРЁ: Сархил мевалару ширин-шакар полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар ташкил этиш борасида вилоятнинг олис Сариосиё туманида хайрли ишлар бошланди. Туманнинг «Дашнобод» СФУ — сувдан фойдаланиш уюшмасида «Саховат» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилди. Ҳамкорлар 500 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ қўшган корхона бир йилда 200 минг тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Айни кунларда бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда.

— Узоқ йиллар фаолиятини тўхтатиб қўйган собиқ корхона ўрнида бугун замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз, — дейди бош директор Арсен Захарян. — Яқинда синов тариқасида дастлабки узум шарбати олинди. Тажрибада 36 тонна узумдан 26,3 тонна шарбат олингани бизни жуда қувонтирди...

Ҳозир корхонада 22 нафар мутахассис ва қурувчи меҳнат қилмоқда. Қисқа фурсат ичида шарбат цехининг ўзида 40 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 2 минг 700 тонна узум сақлаш имкони яратилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

АГРОФИРМА КОНЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати корхоналари, бўлинмалари, гидрометаллургия заводларида бугунги кунда 60 минг нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Турли миллат ва элатга мансуб олтинтопарларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, уларга узлуксиз сархил мева ва мева маҳсулотлари етказиб беришда **Кармана туманидаги** «Дўстлик» агрофирмаси улуши катта.

Комбинатнинг асосий ёрдамчи хўжалиги ҳисобланган мазкур агрофирма кейинги 4-5 йил ичида чинакам маъмурчилик манбаига айланди. Жамоа эндиликда наинки гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, балки уларни қайта ишлашни ҳам тўла ўзлаштириб олди. Тайёр сутдан пишлоқ, қаймоқ, сариёғ, қатиқ, қотирилган қурт ишлаб чиқарадиган кичик завод маҳсулотлари аллақачон Учқудуқ, Навоий, Зарафшон шаҳарлари кончилари дастурхонини тўлдирмоқда.

Шунингдек, бу ердаги ихчамгина консерва заводи помидор шарбати, томат пастаси, қовун, олма, ўрик, узум мурабболари ҳам ишлаб чиқараяпти. 1, 2, 3 килограммлик шиша банкаларга сифатли қадоқланган сархил ноз-неъматлар биргина навоийлик кончиларнигина эмас, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ кончиларига ҳам тортиқ этилаяпти.

— Ҳозир 70 гектар узумзор, 30 гектар олмазор, 20 гектар ўрикзорга эга бўлсак, яқин орада 10 гектарлик хурмозоримиз ҳам мевага киради, — дейди агрофирма раҳбари Расул Ҳусенов. — Насиб этса, ёнғоқзор ва бодомзоримиз ҳам бўлади.

Музаффар ШАРОПОВ

БУГУНГИ СОНДА:

• ФАОЛЛАР КЎМАГИ БИЛАН — 2
мурожаатлар ижобий ечим топмоқда

• КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА КОРЕЙС ТИЛИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН — 3

• БИР ТОННАЛИК «ТИШ» — 4
уни деновлик шифокорлар бунёд этишди

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ТИББИЁТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҚАДАМЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан республикада ягона шошилинч тиббий ёрдам тизими барпо этилди — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги 12 та филиаллари ҳамда шаҳар, туман марказий шифохоналарида 173 та бўлимлари халқимиз хизматида.

Бугунги кунда шошилинч тиббий ёрдам тизими замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда аҳолига барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилмоқда. Йил давомида марказ ва унинг филиалларида 570 мингдан зиёд бемор малакали тиббий хизматдан фойдаланган.

Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни ташкил этиш, тўғри ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадларнинг ижобати бўлиб пойтахтимизда академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия маркази, ихтисослаштирилган урология маркази, кўз микрохирургияси ва кардиология марказлари ташкил этилди. Ҳар йили бу тиббиёт муассасаларида 22 мингдан зиёд бемор даволаниб чиқади. Улардан 4 мингдан зиёди имтиёзли тоифадаги шахслар бўлиб, бепул даволанишади. Йил давомида ушбу шифо масканларида 10 мингдан зиёд мураккаб жарроҳлик операциялари бажарилади.

Таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш борасида айниқса муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилгани бу борада катта аҳамиятга эга. Ирсий касалликлар ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда болаликдан ногиронликни камайтириш мақсадида бугунги кунда республиканинг 11та ҳудудида «Она ва бола» скрининг марказлари ташкил этилиб, улар замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда керакли мутахассислар билан тўлиқ таъминланган.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, соғлиқни сақлаш соҳасига бюджет маблағларини йўналтириш ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, ўтган 2007 йилда тизим ривожи учун 625,6 млрд. сўм сарфланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 928,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Бу эса мамлакатимизда инсон саломатлиги, унинг ижтимоий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатиб турибди.

— Мустабид тузум йилларида республикамиз тиббиётида ҳам бир қатор ўткир муаммолар тўпланиб қолганди. Шифохоналар моддий-техника базаси ўта ночор, миллат саломатлиги эса аянчли аҳволда эди. Келинг, факт-рақамларга мурожаат қилайлик.

— Мамлакатимиз раҳбари ўз чиқишларидан бирида **«Инсон табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади»**, деган эдилар.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имконини берди. Натижада 1990 йилдан 2007 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди.

Чечак, ич терлама, полиомелит, бўғма, қуйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътироф этишича, мамлакатимиз эпидемиологик вазият барқарор сақланиб турган давлатлар қаторидан ўрин олган.

Оналар ўлими кўрсаткичи 100 минг тирик туғилган чақалоқларга нисбатан 1991 йилда 65,3 тани ташкил этган бўлса, 2007 йил мазкур кўрсаткич 24,0 тани, гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса 1000 та тирик туғилган чақалоқларга нисбатан ушбу даврда 34,6 промилледан 14,7 промиллегача пасайди.

— Қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктларининг алоҳида ўрни бор. Ушбу янги тизимнинг илгариги ФАПлардан фарқи нимада?

— Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда соғлиқни сақлаш муассасаларининг қуйи бўғини — амбулатор-поликлиникаларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жаҳон амалиётида ҳам тиббий ёрдамнинг асосий ҳажми амбулатор-поликлиника муассасаларида умумий амалиёт шифокори томонидан кўрсатилади. Масалан, Англияда 80 фоиз беморлар умумий амалиёт шифокорида даволанишади. Канадада врачларнинг 67 фоизи, Германияда 54 фоизи соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатмоқда.

Авваллари қишлоқ аҳолисининг учдан бир қисмига бирламчи тиббий ёрдам фельдшерлик-акушерлик пунктларида ўрта тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилар эди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирги даврда республикамиз аҳолисининг 63,8 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилиши инобатга олиниб, аҳолига малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкил қилиш ва яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Бу дегани, соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи бўғиннинг тузилиши тубдан ўзгарди: кўп босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтилди.

Бугунги кунда республикамизда 3100 дан зиёд ҚВПлар мавжуд бўлиб, бу масканлар босқичма-босқич «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Масалан, қишлоқ врачлик пунктларида замонавий бинокуляр микроскоплар, фотокалориметрлар, ЭКГ аппаратлари, гинекологик асбоб-ускуналар, кичик хирургик тўпламлари ва бошқа жиҳозлар мавжуд.

— Ислоҳотлар муваффақияти бевосита кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари тайёрлашнинг бугунги аҳволи, галдаги вазифалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда тиббиёт ходимларининг малакали фаолияти ниҳоятда муҳимдир. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар бу соҳани ҳам четлаб ўтмади. Республикамизда икки босқичли олий тиббий таълим тизимига, яъни бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу ислоҳотларни назарий ва амалий жиҳатдан янада юксалтириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

Бугун республикамизда 6 та тиббиёт олий ўқув юрти ва уларнинг учта филиали мавжуд бўлиб, ушбу даргоҳларни ҳар йили 3 мингдан ортиқ ёш шифокор ва фармацевт мутахассислар битириб чиқмоқда. Бундан ташқари, 76 та тиббиёт касб-ҳунар коллежларида ўрта махсус тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан, республикамиз тиббиёт олий таълим муассасаларидан 2000 йилда биринчи маротаба умумий амалиёт шифокорлари битириб чиқди. 2000-2007 йиллар мобайнида 9000 зиёд умумий амалиёт врачлари тамомлади. 2006 йилдан эса клиник ординатурага қабул қилиш вилоятлараро квоталаш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги клиник ординатурада мутахассислар тайёрлаб беришни йилига 1000 та мутахассисгача кўпайтирди.

Шу ўринда Абу Али ибн Сино ватанида, унинг ворислари бўлган тиббиёт ходимларимиз билим-тажрибалари, касб маҳоратлари, салоҳиятлари ҳеч кимдан кам эмас десак, муболаға қилмаймиз. Тиббиёт ходимларимиз чет эл нуфузли клиникаларида ўз билим ва тажрибаларини ошириб келмоқдалар. Баъзи ўринларда хорижлик ҳамкасбларимиз бизнинг мутахассисларга тан беришмоқда.

— Республикамиз тиббиёт ходимлари касб байрами муносабати билан ҳамкасбларингизга тилакларингиз?

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларининг олижаноб мақсади — келажак авлодларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлишига, табаррук кексаларимизнинг соғ-саломат, узоқ умр кечиришларига эришиш, юртдошларимизнинг тўлақонли соғлом, бардам-бақувват яшаши учун бор қуч-қудратини бахш этиб, барча имкониятларни ишга солишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, шифокорларимизнинг ўта мураккаб меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи ҳамиша давлатимиз раҳбари эътибор марказида бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишонаман.

Мен ўз касбдошларимни бугунги байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Уларга энг аввало инсон ҳаёти учун зарур бўлган соғлик-саломатлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, келгуси ишларига омадлар тилайман.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур лойиҳа юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари Иззатулло Толибов сўзга чиқди.

Қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган. Унинг қабул қилиниши Омбудсман қонунчилиги базасини мустаҳкамлаш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун нормаларини ижро этиш юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Вакил ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив Баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича депутат, фракция аъзоси Алия Юнусова маъруза қилди.

Мазкур Баённома БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 25 майда қабул қилинган ва ҳужжат 2002 йил 12 февралда кучга кирган. Бугунги кунда 122 та давлат ушбу Баённомани имзолаган. Болаларни қуролли можаролардан эҳтиёт қилиш, 18 ёшга тўлмаган болаларни ҳарбий хизматга чақириш ёки сафарбар этиш билан боғлиқ миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш мақсадида болаларни ёллаганлик, тайёрлаганлик ва улардан фойдаланганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини белгилаш Баённоманинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив Баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Баённомани БМТ Бош Ассамблеяси 2000 йил 25 майда қабул қилган. Ҳужжат 2002 йил 18 январда кучга кирган ва бугунги кунда 115 та давлат уни имзолаган. Баённоманинг мақсади болани болалар савдоси, фоҳишабозлик, порнографиядан ҳимоялаш, соғлиғига хавф туғдирувчи, таълим олишига қаршилик қилувчи, жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар етказувчи ишлардан, иқтисодий эксплуатациядан ҳимоялашдир. Ушбу жиноятларни содир қилганлик учун жазо муқаррар.

Фракция йиғилишида шунингдек, янги таҳрирдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа юзасидан Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси Фахриддин Солиев сўзга чиқди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

жамият тараққиётининг пойдевори

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қувонарли томони мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳар бир ёшнинг диққат марказида. Айниқса, партиявий фаолият тевараклатрофимизда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссининг кучайишига хизмат қилмоқда. Тенгдошларим, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ва онгида юксак маънавиятни шакллантириш кўп жиҳатдан мана шунга — дахлдорлик ҳиссига бевосита боғлиқ. Катта сиёсий ҳаётга кириб бориш айни шундан бошланади. Бу интилишларни тўғри баҳолаб, уларнинг қобилиятини эзгу ишларга йўналтириш катта аҳамият касб этади.

Тадбир амалий мулоқот руҳида ўтди. Унда сўзга чиққанлар маънавий-маърифий тарбияда улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси, давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, тадбирда бирлашмадаги бошланғич партия ташкилоти амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги ахборот муҳокама қилиниб, олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА

Суратда: *корхонанинг илғор ёшларидан бир гуруҳи.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

✓ ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ФАОЛЛАР КЎМАГИ БИЛАН

мурожаатлар ижобий ечим топмоқда

Одамлар ишончини қозониш осон эмас. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида бўлиб, унинг фаолиятини ўрганиш жараёнида бу ҳаёт ҳақиқатини яна бир бор ҳис этдик.

— Мен Пайариқ туманидаги Чуқур қишлоғиданман, — дея ўзини таништирди Башорат Файзуллаева. — Бундан бир неча ой муқаддам ушбу қабулхонада бўлиб, қишлоғимизда табиий газ босими пасайиб кетгани ва уни яхшилашда ёрдам беришларини сўраб мурожаат этган эдим. Қабулхонадагилар арзни эшитгач, албатта ёрдам беришларини айтишганди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. ХДПдан сайланган депутатлар кўмагида муаммо ҳал бўлди.

Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этаётган ҳар бир кишининг талабини бажаришда партиядан туман, шаҳар, вилоят Кенгашига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг жалб этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Улар мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ўз жойида, тегишли идоралар орқали ҳал этиб, одамларда партияга бўлган ишончни кучайтирмоқда.

— Инсон ўзига нисбатан қилинган ноҳақликка чидолмайди, — дейди Пастдарғом тумани Гўзалкент қўрғонидан Тоҳир Тўраев. — Кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишладим. Кейинги пайтда мактаб директори билан келишолмай қолдик. У мени ноҳақ ишдан бўшатди. ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдим. Партиямиз фаолларининг ёрдами туфайли қайтадан ишга тикландим. Ишдан четлатилган вақтим учун қонуний иш ҳақимни ундириб беришди.

Одамлар қалбига яқин, уларнинг ташвишига ҳамдард бўлиб, муаммолар ечимини топишга кўмак бериш Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Баъзи масалаларни ҳал этишда республикада хизмат кўрсатган юрист, ЎзХДП фаоли Азиз Юнусовнинг ёрдами катта бўлаётир. У киши масалаларга ойдинлик киритишда ҳуқуқий маслаҳат бериб, мурожаат этувчиларга тўғри йўл кўрсатмоқда. Яқинда Ургут туманидан фермер Тоҳир Мингбоев ўзига тегишли 2 гектар ердан бошқалар ноқонуний фойдаланаётганини айтиб, ёрдам сўради.

— Биз у кишига ерни қайтариб олишнинг қонуний йўлини тушунтирдик, — дейди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши бўлим мудири Бўрибой Бўронов. — Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қабулхона фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кишиларнинг, айниқса электоратимиз вакилларининг ҳуқуқий билимларини оширишга эҳтиёж бор.

Таъкидлаш керакки, Жамоатчилик қабулхоналарида депутатлар куни ўтказилиши кутилганидек самара бермоқда. Самарқанд шаҳридаги «Каттақўрғон» маҳалла оқсоқоли Неъмат Багиров болалар учун спорт майдончаси барпо этиш масаласида ёрдам сўраган. Партиядан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Ражабовнинг аралашуви билан бу масала вилоят ҳокимлигига олиб чиқилди ва натижада маҳалла болалари учун спорт майдончаси барпо этилди. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят ва туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига 520 киши турли масалалар билан мурожаат этган. Уларнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди.

Дарҳақиқат, қаерда амалий ишлар билан кишилар ишончи қозонилса, ўша ерда партиянинг мавқеи янада ошади. Буни Самарқанд вилоятидаги ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамадали ЖАЛИЛОВ

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Фарғона. Вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Қатор замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Жумладан, Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган халқаро стандартларга мос шиша ва ойна маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда харидорлари тобора кўпайиб бораётир. Жорий йилнинг август ойига қадар бу ерда хорижга 3 миллион 200 минг долларга тенг ҳажмда маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллион доллар кўп демакдир.

— Корхонамизнинг экспорт салоҳияти ошгани сайин келаётган фойда ва даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда, — дейди жамиятнинг ойна пишириш бошқаруви оператори Акмал Сулаймонов. — Ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари кўпайиб, турмуш тарзида катта ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Эришаётган ютуқларимизда Мадумар Эргашев, Раҳмонжон Йўлдошев, Олтиной Матмусаева, Мавлуда Умарова, Нилуфар Акбарова, Равшан Умаралиев, Рўзихон Ортиқова сингари ўнлаб тажрибали ишчи-хизматчи ва операторларнинг ҳиссаси катта.

Суратда: *оператор Равшан Умаралиев.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Андижон шаҳрида «Одам савдосининг олдини олиш ва одам савдоси қурбони бўлганларга ёрдам кўрсатиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар ва туманларнинг ҳоким ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Одам савдоси бугунги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Ўзбекистонда мазкур иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳамда давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 8 июлидаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда жойларда бу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятларда одам савдосига қарши курашиш бўйича идороларо комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Одам савдоси қурбонига айланган ҳамюртларимизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Ёқубова ва бошқалар одам савдосига қарши курашиш борасида Андижон вилоятида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар.

Семинарда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари доимий эътиборда экани алоҳида таъкидланди. Иштирокчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Одам савдосининг мудҳиш оқибатлари мутахассислар томонидан атрофлича тушунтириб берилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

✓ Қарор ва ижро

ИНСОНИЙЛИК ТИМСОЛИ

Дунёда қанчаки давлат, миллат бўлса уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган, ўзигагина хос жиҳатлари кўп. Бу айниқса, халқларнинг турмуш тарзи, миллий анъаналари, неча-неча замонлардан буён қадр-қимматини йўқотмай, аксинча, сайқал топиб аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган қадриятларида яққол кўринади.

Шу маънода ўзбек халқи ҳақида гап кетганда бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш, кечиримлилик каби эзгу фазилатлари эътироф этилади.

Истиқлол йилларида амалга киритилган амнистия тўғрисидаги қатор Фармон ва қарорларда ҳам бу қадриятлар ўзининг ёрқин ифодасини топди, десак хато бўлмайди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир исботи бўлди.

Ҳаёт жуда мураккаб. Унинг пилларида инсон билиб-билмай қоқилиши, адашиши мумкин. Жиноят учун эса жазо муқаррар. Лекин жазодан кўзланган мақсад тарбиядир. Хатосини тушуниб етган, тўғри йўлга киришни астойдил истаган кишини кечирмоқ, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбияламоқ ва оиласи бағрига қайтармоқ ҳам адолатли иш ҳисобланади. Навбатдаги амнистия акти ҳам кўплаб маҳбуснинг муддатидан олдин озодликка чиқиши, шунингдек, кўпчилигининг жазоси енгиллаштирилишига имконият яратди.

Таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжат фақат судлар томонидан қўлланилиши билан фарқ қилади. Бу мустақиллик йилларида суд соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Қарор ўн бир банддан иборат бўлиб, унинг биринчи бандига биноан биринчи маротаба содир этган жиноятлари учун судланган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқаролари жазодан озод этилади. Қарорнинг иккинчи банди бўйича эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар жазодан озод қилинади.

Қарорнинг учинчи бандига мувофиқ, қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, 4-бандига биноан эса мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар ҳукми қонуний кучга кирган, муддати икки йилдан кўп бўлмаган жазоси ўталмай қолган маҳкумлар озод этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қарорнинг 3- ва 4-бандлари жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қарор чиққан кундан буён шу вақтга қадар Тошкент вилояти ҳамда туман ва шаҳар судлари томонидан 1600 нафарга яқин шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Масалан, бекободлик Матлуба Хидирова хорижда ишлаб чиқарилган сифатсиз алкаголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда сотувга чиқармоқчи бўлганида унинг фаолиятига чек қўйилган. Суд мазкур иш билан танишиб чиқиб, Матлуба Хидирова содир этган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан амнистия тўғрисидаги қарорни татбиқ этди. Бугунги кунда у уйига қайтиб, фарзандлари тарбияси билан машғул. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу қарор туфайли жазодан озод этилганлар ҳукуматимиз кўрсатаётган бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари қадрига етиб, тегишли хулоса чиқариб олишларига умид қиламиз.

Юсуф ИЛҲОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари.

ТУҒРУҚ УЙЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИ

Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги эллик ўринли туғруқ уйи тубдан қайта таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан «Оналар ва болалар соғлиғини асраш» лойиҳаси доирасида Андижон вилоятининг туғруқ уйларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 22 туғруқ уйи мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Кейинги босқичда ушбу муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА КОРЕЙС ТИЛИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида тузилган «Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандумга мувофиқ корейс тили бўйича тест синови қуйидагича ташкил этилади:

Мазкур қайта ташкил этиладиган тест синовларида **жорий йилнинг май ойида** тестдан ўтолмаган номзодлар қатнашишлари мумкин.

Корея Республикасида ишлаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари корейс тили бўйича тестда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги талабнома тақдим этишлари лозим. Тестдан муваффақиятли ўтганларгина эркин ёллаш тизими бўйича ишлаш учун ҳужжат топширишлари мумкин.

Корейс тили бўйича тест синовлари Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ваколат берган Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан ўтказилади.

● **Тест ўтказиладиган сана: 2008 йил 20-21 декабрь кунлари соат 10.30 дан 12.40 гача.**

Номзодлар тест ўтказиладиган хоналарга соат 09.30 гача етиб келишлари талаб этилади.

Номзодга соат 10.30 дан 11.30 гача тест жараёни тўғрисида ахборот берилади.

Тест соат 11.30 дан 12.40 гача бўлиб ўтади.

● **Тест синови натижаси бўйича танлаб олинадиган номзодлар сони ва тест синовидан ўтиш шартлари:**

Тест синови натижалари бўйича 80 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлган 3500 нафар киши танлаб олинади.

Агар тест синови натижалари бўйича 80 баллдан юқори кўрсаткичга эга бўлган номзодлар 3500 нафардан ортиқ бўлса, у ҳолда энг юқори баллга эга бўлган номзодлар танловдан ўтган саналади.

● **Тест ўтказиладиган жой: Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарлари.**

● **Эркин ёллаш тизими бўйича корейс тилидан тест синовида қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

— ёши 18 дан 39 ёшгача (1969 йил 22 декабрдан 1990 йил 21 декабрь бўлган даврда туғилган фуқаролар);

— жисмонан соғлом;

— илгари жиноий жавобгарликка тортилмаган;

— Корея Республикасидан депортация қилинмаган ёки мажбурий равишда чиқариб юборилмаган;

— Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқиши чегараланмаган.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ

Рўйхатга олиш муддати 2008 йил 18 ноябрдан — 20 ноябргача вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатга олиш вақти — соат 09.00 дан 17.00 гача (танаффус вақти 13.00 дан 14.00 гача).

Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган турар жойи бўйича ҳамда вилоятларни рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.

ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАДВАЛИ:

Рўйхатга олинадиган вилоят	Рўйхатга олиш куни	Рўйхатга олиш жойи	Манзил	Тест ўтиш жойи
Жиззах вилояти	18.11.2008 й.	Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй	Тошкент ш.
Тошкент вилояти	19.11.2008 й.	Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй	Тошкент ш.
Тошкент шаҳри	20.11.2008 й.	Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй	Тошкент ш.
Сирдарё вилояти	20.11.2008 й.	Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй	Тошкент ш.
Фарғона вилояти	18.11.2008 й.	Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази	Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй	Андижон ш.
Наманган вилояти	19.11.2008 й.	Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази	Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй	Андижон ш.
Андижон вилояти	20.11.2008 й.	Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази	Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй	Андижон ш.
Қашқадарё вилояти	18.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Қорақалпоғистон Республикаси	18.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Самарқанд вилояти	19.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Сурхондарё вилояти	19.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Бухоро вилояти	20.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Хоразм вилояти	20.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.
Навоий вилояти	20.11.2008 й.	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй	Самарқанд ш.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Фуқаролар рўйхатга олиш жойларига шахсан келишлари лозим.

● **Тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

— тўлдирилган махсус талабнома шакли;

— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси;

— 3,5х4,5 см. ҳажмдаги икки дона рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган);

— тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият;

— тўловни амалга оширганлиги ҳақида банк квитанцияси.

ТЕСТ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ТЎЛОВ:

17 АҚШ доллари миқдоридаги тўловнинг миллий валюта — сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича).

Тестда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига кўрсатилган тўлов пулини рўйхатга олиш жойида тўлашлари лозим.

Номзод тестда қатнашишни рад этса, тўлаган маблағини рўйхатга олиш муддати давомида қайтариб олиши мумкин.

Тест учун тўланган тўлов маблағи ўтказилган тест натижасидан қатъи назар фуқарога қайтариб берилмайди.

ТЕСТ СИНОВИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАР

Рўйхатга олинган номзодларга 2008 йил 12 декабрь куни тест синови ўтказиладиган жойлар тўғрисида эълон қилинади. Бу бўйича номзодлар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига учрашлари лозим.

ТЕСТ ҚИСМЛАРИ ВА ЗАРУР ТОМОНЛАРИ:

Тест қисмлари	Саволлар сони	Умумий балл	Ажратилган вақт
Тинглаш қисми	25	100	30 дақиқа
Ўқиш қисми	25	100	40 дақиқа
Жами	**50**	**200**	**70 дақиқа**

Тинглаш ва ўқиш топшириқлари ўртасида танаффус берилмайди.

Тест саволлари Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан чоп этилган «Тест учун саволлар китоби»дан олинади.

Тест саволлари қуйидаги веб сайтдан бепул олиниши мумкин:

www.eps.go.kr - Overseas-Customer Center-FAQ

www.hrdkorea.or.kr (Korean language site)-Individual Customer-Foreign Worker-EPS-KLT-No.2 item

Номзодлар тестдан муваффақиятли ўтишлари учун тестнинг бир қисмидан камида 40 балл тўплашлари ва умумий тўпланган балл камида 80 балл бўлиши талаб этилади. Агар номзод тест қисмларининг биридан 40 баллдан кам тўпласа, тестдан ўтмаган ҳисобланади.

● **Тест ўтказиладиган куни номзодлар қуйидагиларга эга бўлишлари лозим:**

— тестга кириш учун рухсатнома (рухсатнома рўйхатга олинган номзодларга берилади);

— фуқаролик паспорти (номзод фуқаролик паспортисиз тест топширишга киритилмайди);

— тестни бажариш учун қора шарикли ручка.

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Сана — **2009 йил 6 январь.**

ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

— Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати веб сайти (www.eps.go.kr)

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг эълонлар тахтаси;

— вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг эълонлар тахтаси.

— Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси веб сайти (http://uzb.mofat.go.kr)

БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР

Тест натижалари номзодларга тест топширилган кундан кейин 2009 йил 13 январь Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ишончли телефон, электрон луғат, МП3 мослама ва бошқа рухсат этилмаган воситаларни олиб киришлари ман этилади.

Тестда бировдан кўчириб ўтирган номзод аниқланса, у тестдан чиқариб юборилади ва 2 йил давомида қайта тестда қатнашиши учун ҳужжатлари қабул қилинмайди.

Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган санаси) паспортдаги маълумотлар билан мос келиши лозим. Акс ҳолда номзод тестдан ўтган тақдирда ҳам унга Кореяга киришга рухсат этилмайди.

● Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши уни Корея Республикасига ишга юборилишини кафолатламайди.

Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши эркин ёллаш тизими бўйича рўйхатга олиш шартларидан бирини бажарган ҳисобланади.

● Агар номзод тиббий кўрик натижаси бўйича носоғлом деб топилса ёки у Кореяда ноқонуний бўлганлиги маълум бўлса, у ҳолда номзод Корея Республикасига ишга қабул қилинмайди.

НАЗОРАТ ҚИЛИШ:

— Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги;

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Ташкиллаштириш — Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати.

Ҳамкорлик қилиш — Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги.

Эслатма: хусусий фирмалар ва ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасида ишга жойлаштириш жараёнига аралашишлари таъқиқланади. Мазкур ҳолат аниқланган тақдирда бу ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чоралар кўрилади.

Қўшимча маълумотлар учун:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишонч телефонлари: 239-41-12.

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ишонч телефонлари:

252-33-79,
252-13-61. t

ОБАМАНИНГ СЕНАТДАГИ ЎРНИ...



Иллинойс штати губернатори Род Благоевич АҚШ сенатида сайланган президент Обаманинг ўрнини эгаллайдиган ворисни танлашда шошилмасликка қарор қилган, деб хабар қилади АП. Обаманинг сенатдаги ишлаш муддати 2011 йилдагина якунланади, ҳолбуки келаси йил январида у президент сифатида қасамёд қилади. Благоевич Обаманинг ворисини Янги йил байрамигача танлашини билдирган ҳолда бу муддатда ҳам масалани ҳал этишга улгуриш мушкуллигини таъкидлаган. Кечикиш сабабларидан бири шундаки, губернатор Обамага кўз тегмасин деган маънода сайлов тугагунига қадар унинг ворисини тайёрламаган. Энди Благоевич ва унинг маслаҳатчиларига кўплаб номзодлар орасидан бирини танлашига тўғри келади. Қонунга мувофиқ 30 ёшга тўлган, камида 9 йил мобайнида АҚШ фуқароси бўлган Иллинойснинг исталган кишиси Обаманинг сенатдаги ўрнини эгаллаши мумкин.

АЙБЛОВ ТАСДИҚЛАНМАДИ

Украина Бош прокуратураси президент девони томонидан ҳукумат ва Юлия Тимошенко блоки (БЮТ) раҳбари Юлия Тимошенкога нисбатан илгари сурилган давлат манфаатларига хоинлик қилган, деган айбловни тасдиқламади. «Новости» РАА блокнинг Олий Рада депутати Святослав Олийник гапларига асосланиб шуни хабар қилди.

Парламент аъзолари муқаддам прокуратурага мурожаат этиб, Виктор Ющченко девонхонаси ходимлари билдирган айбловларни текшириш натижаларини маълум қилишни сўрашганди. Бунга жавобан прокуратура «давлат бошлиғи ва Вазирлар Маҳкамаси айрим шахслари ҳаракатларида Украина миллий манфаатларига зиён етказувчи қонунбузарлик аломатлари аниқланмаганлигини» маълум қилди.

Жорий йил августида президент девонхонаси Тимошенконо давлатга хиёнат этганликда ва Россия билан тил бириктирувда айблаганди. Бунга, жумладан, ҳукумат бошлиғининг Россия — Грузия можароси муносабати билан Россияга қарши позицияда туришдан бош тортганлиги асос бўлди. Девонхона ўз айбловини Украина хавфсизлик хизматига йўллади. У ўз навбатида мазкур иш юзасидан қандайдир «материалларни» Бош прокуратурага юборганлигини билдирди. Юлия Тимошенко блоки айбловларни бўлмағур нарса деб атаб, президент девонхонасидан ҳамда уни қўллаган Украина хавфсизлик хизматидан ҳам кечирим сўрашни талаб этди.

«ПАЛОМА» КУЧАЙМОҚДА

Кариб денгизида ҳосил бўлган «Палома» тропик пўртанаси кучайиб довулга айланиши мумкин, деб хабар қилади АҚШдаги бўронларни ўрганиш миллий марказининг тахминлари асосида Рейтер агентлиги. Тўфон Гондурас ва Никарагуа ўртасидаги чегарада жойлашган Граспас-о-Диас бурунидан 110 километр шаркрокда вужудга келган. У шимол-шимоли-ғарбий томон соатига 11 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Бунда шамолнинг энг юқори тезлиги соатига 65 километрни ташкил этаяпти. Гондураснинг шарқий, Никарагуа ва Кайман оролларининг шимоли-шарқий қисмларига 20 сантиметргача ёғин ёғиши кутилмоқда. Довул Ямайка ва Кубага ҳам етиб бориши мумкин.

МУНАЖЖИМЛАР РУХСАТИ БИЛАН

Бутанда янги қиролнинг тахтга ўтириш маросими бўлиб ўтди. АПнинг хабарига кўра, янги қирол, 28 ёшдаги Жигме Кхесар Намгъял Вангчук гарчи икки йилдан буён Ҳимолайдаги ушбу мамлакатни бошқариб келаётган бўлса-да, унинг тахтга ўтириш маросими кечиктирилаётганди. Гап шундаки, сарой мунажжимлари ҳали бунинг мавриди эмас, деб башорат этишаётганди. Тож кийдириш маросимида Жигме Кхесар Намгъял Вангчук ўз отаси, 52 ёшдаги қирол Жигме Сингье Вангчкудан тожни қабул қилиб, Друк Гьялпо (қирол-аждарҳо) унвонини олди.

Бутан жаҳондаги энг ёш демократик давлат саналса-да, тахтга ўтириш маросими монархия кучининг анъанавий рамзига айланди. Қиролнинг отаси 2006 йил декабрида ўз ўғли фойдасига тахтдан воз кечган эди. Янги қирол Оксфордда таълим олган. У ўз отаси бошлаган демократик ислоҳотларни давом эттирмоқчи.

● ● ● ● ● ● ●

Япония ҳукумати энг замонавий технологиялар ишлаб чиқишга ихтисослашган жамғарма очиш ниятида. Унинг сармояси икки миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Маълумотларга кўра, мазкур лойиҳа ўн йил мобайнида мамлакат иқтисодий ўсишини икки фоизга ошириш имконини беради.

Хабарларга қараганда, жамғарма ҳукумат ва ишбилармонлар сармоясидан ташкил топади. Япония иқтисодиётининг янада ўсиши учун 2015 йилга қадар қатор хорижий мамлакатлардан уч юз мингга яқин юқори малакали мутахассис жалб этилиши режалаштирилмоқда.

● ● ● ● ● ● ●

АҚШ мутахассислари дунё океанларининг қирқ фоизи инсоннинг хўжалик фаолияти оқибатида зарар кўрганини таъкидламоқда. Тадқиқотлар натижасида уларнинг атиги тўрт фоизи табиий муҳитни ўз ҳолича сақлаб қолгани аниқланди.

Маълумотларга қараганда, Шимолий Атлантика ҳудудига, Тинч океанининг ғарбий қисмига, Кариб, Ўрта ер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизларига ҳамда Форс қўлтиғига, айниқса, катта зиён етган.

✓ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

КЎНГИЛ ҲАЛОВАТИ

Олот тумани халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида

— Илгари, ўқувчилар билан лой кечиб, 10 чақирим нарида-ги мослаштирилган мактабга қатнардик. Очиғи, болаларнинг қийналишини кўриб, мен ҳам эзилардим, — дейди тумандаги 15-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари, Халқ таълими аълочиси Рустам Рустамов. — «Қанийди, ҳар бир қишлоқда замонавий мактаб бўлса», деган эзгу ният билан яшаганмиз.

Истиқлол шарофати билан ва давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимига қаратаётган эътибори туфайли ана шу орзуларимиз рўёбга чиқди. Ўзим яшаб турган Буржоқ қишлоғида 300 ўринли янги мактаб биноси қад ростлади.

Янги мактабнинг фойдаланишга топширилиши биз учун чинакам байрам бўлди. Икки қаватли бинонинг ёруғ ва шинам синфхоналарига замонавий жиҳозлар қўйилган. Стадион, ёпиқ спорт зали эса ҳар бир кишининг ҳавасини келтирмоқда.

— Янги мактабда иш бошлаганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди, — дейди ёш ўқитувчи Мевагул Ҳайитова. — Фурсатдан фойдаланиб, шундай кошонани бунёд этишда иштирок этган барча қурувчиларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Ҳа, Талқонсаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида бундай билим масканлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Келаси йил бу ерда маиший хизмат, касб-ҳунар коллежи қурилиши режалаштирилган.

— Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури эълон қилинганидан кейин бутун мамлакатимиз ўқув муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, қиёфаси эса тубдан ўзгарди, — дейди чет тиллари чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаби директори Қамбар Ниёзова.



Қамбар опа раҳбарлик қилаётган мактаб яқинда жорий таъмирдан чиқарилди. Бугун бу ерда икки юз нафардан зиёд иқтидорли ўқувчилар таҳсил олмоқда. Ҳар йили мазкур мактабни битирганлардан 20-25 нафари мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинмоқда. Шу ўринда «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Усмон Тўраев ва Ҳамро Ҳусенов, Латофат ва Дилафрўз Тўраева сингари ўнлаб тажрибали, жонкуяр ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этмасдан бўлмайди, албатта.

— Соҳада давом этаётган ислоҳотлар жараёнига назар ташласак, кўнглимиз тоғдай кўтарилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Бешим Эгамов. — Чунки, ҳам мактаб қурилиши, ҳам ўқитувчи-мураббийларга қаратилган эътибор замирида миллат келажагига ғамхўрлик мужассам.

Биргина жорий йилда 8 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, битта замонавий билим маскани бунёд этилди. Бундан ташқари, 28 та мактаб биноси, 11 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та спорт мактаби, 1 та тарбия маркази ҳомийлар кўмагида янги ўқув йилига тайёрланди. Шуни фахр билан айтиш керакки, бу каби хайрли ишлар нафақат Олот туманида, балки вилоятнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Спорт

Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати «А» ва «В» гуруҳларидан Япония, Саудия Арабистони, Жанубий Корея ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ёшлар терма жамоаларининг чорак финалга йўлланма олганлигини хабар қилгандик.

...ЧОРАК ФИНАЛДА

«С» гуруҳи охирги тур ўйинларида КХДР — Хитой, Тожикистон — Ливан вакиллари ўзаро куч синашдилар. Дастлабки учрашув (0:0) дуранг билан якунланган бўлса, иккинчи баҳсда тожикистонликлар рақиблари устидан йирик ҳисобда зафар қучди — 5:1. Натижада гуруҳда Хитой ёшлар терма жамоаси биринчи, КХДР футболчилари эса иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олдилар.

Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз ёшлари Таиланд терма жамоасини 1:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, иккинчи учрашувда австралияликлар Иордания футболчиларини енги — 2:1. Натижада «D» гуруҳида бир хил — 7 тадан очко жамғарган Австралия ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Энди бугун ўтказиладиган чорак финал баҳсларида **Япония — Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари — Саудия Арабистони, Австралия — КХДР, Хитой — Ўзбекистон** ёшлар терма жамоалари куч синашади.

БИР СОАТУ 48 ДАҚИҚА

давом этган «УЗИ-Самарқанд» — «Олимжон Акбаров» жамоалари учрашуви эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги финалчисини аниқлаб берди

Шу йилнинг баҳорида ўтказилган Ўзбекистон XVI чемпионатида мусобақа дебютанти Яйпаннинг «Олимжон Акбаров» (Фарғона вилояти) жамоаси бронза медалини қўлга киритиб, ўзига хос шов-шувга сабаб бўлганди. Куни кеча Олмаликда ташкил этилган Ўзбекистон кубоги баҳслари ярим финалида мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «УЗИ-Самарқанд» волейболчиларини мағлуб этган яйпанликлар бу ютуқ тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлашди.

Эътиборли жиҳати, кўпчилик ушбу жамоалар учрашувининг дастлабки икки партиясида водийликлардан устун келган самарқандликларнинг ғалабасига шубҳа қилмаётганди. Бироқ қолган уч партияда чинакамига маҳорат ва ирода намойиш эта олган «Олимжон Акбаров» жамоаси финалга муносиб эканлигини кўрсатди. 108 дақиқа давом этган мазкур учрашувнинг охирги партиясида 18:16 ҳисоби қайд этилди. Таркибининг асосини мамлакат миллий терма жамоаси аъзолари ташкил қилган ОТМК (Олмалик) билан «Олимжон Акбаров» жамоаси ўртасидаги муросасиз баҳсда эса тажрибали майдон эгалари ташаббусни қўлдан беришмади. Уч партияни ҳам ўз фойдаларига ҳал қилган мезбонлар Ўзбекистон кубогини қўлга киритдилар.

— Бундай нуфузли мусобақалар жамоамиз аъзолари учун ўзига хос синов ҳамда тажриба мактаби вазифасини ўтаётганлигини таъкидлашни истардим, — дейди «Олимжон Акбаров» жамоаси бошлиғи Равшан Расулов. — Жамоамиз таркибининг асосий қисмини Ўзбекистон, Бувайда туманлари ҳамда Қўқон шаҳрида улғайган ёшлар ташкил қилади. Улар илк кўникмаларни мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» сингари мусобақаларда олишган. Қисқа фурсатда жамоамизнинг кучлилар қаторидан жой олгани эса уларнинг издошлари сафи кенгайишига туртки бўлаётир. Ҳозир Яйпанда ва вилоятимизнинг бошқа туманларида жамоамиз таркибига қўшилишни истаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунинг учун аввало бош ҳомийимиз — спортимиз фидойиси марҳум Олимжон Акбаров фарзандларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шундай қилиб, Тошкентнинг «Молиячи», СКИФ, «Олимжон Акбаров» (Яйпан), ОТМК (Олмалик), «Хоразмколлеж» (Урганч), «УЗИ-Самарқанд» сингари жамоалар иштирок этган навбатдаги Ўзбекистон кубоги баҳслари ўз ниҳоясига етди. Унда мезбонлар бош совринни қўлга киритишган бўлса, мусобақа дебютанти «Олимжон Акбаров» жамоаси иккинчи ҳамда амалдаги мамлакат чемпиони «УЗИ-Самарқанд» волейболчилари учинчи ўринни эгалладилар.

— Ҳадемай, мамлакатимиз терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига киришади, — дейди Ўзбекистон волейбол федерацияси бош котиби Леонид Айрапетьянц. — Дастлабки босқичда ҳамюртларимиз Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ҳамда Уммон терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олган. Ана шу нуфузли мусобақа олдидан Ўзбекистон кубоги баҳслари муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаб бериши шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Ўзбекистон кубоги финалчиси «Олимжон Акбаров» волейболчилари.

✓ Ўқинг қизиқ!

ТОШКЕНТ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

Бугунги кунда ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Уни «ярим дийдор» деб бежиз айтишмайди. Мамлакатимиз худудига биринчи телефоннинг кириб келиши Тошкент аҳолиси учун муҳим воқеа бўлган. 1887 йилда телефон Тошкент почта-телеграф бошқармаси бошлиғининг биноси билан унинг хонадонига ўрнатилган. Маълумотларга кўра, 1920 йилга келиб, шаҳарда телефон тармоғини қуриш лойиҳаси тузилган. Орадан бир йил ўтгач, 300 рақамли Тошкент телефон станцияси фойдаланишга топширилади.

Телефон тармоғи кенгая боради. Кейинчалик сиғими 5000 рақамли биринчи автомат телефон станцияси юзага келиб, у 30 йил давомида аҳолига хизмат кўрсатди. Орадан бир мунча йиллар ўтгач, унинг сиғими 10 минг рақамни ташкил этди. Мазкур станция Тошкент шаҳар телефон тармоғи деб аталиши билан сиғими янада ортди. 55- ва 44-АТСлар ишга тушгач, сиғими 25900 рақамга етди.

Мустақиллик йилларида тармоқда катта ўзгаришлар бўлди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида илғор технологиялар, янги хизмат турлари рўёбга чиқди. Тошкент шаҳар телекоммуникациялар тармоғини реконструкция қилиш жараёнлари амалга оширилди. Кўплаб линиялар, кабел иншоотлари техник меъёр даражасига келтирилди. Маълумотлар узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётган мижозлар сони анчага ортди.

Бугунги кунда пойтахтда 90 дан ортиқ рақамли телефон станциялари кўплаб мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. 20 мингдан ортиқ оила эса икки ва ундан ортиқ телефонга эга. Телефон станциялари асосий ресурсларини такомиллаштириш бўйича янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

КОРЕЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан пойтахтдаги «Grand Cinema» киносаройида «Корея киноси кунлари» фестивали очилди.

Ушбу киноҳафталик иккала давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганига ўн олти йил тўлиши муносабати билан ўтмоқда. Фестивалда Ли Че Хван яратган «Унутишни хоҳламайман», Квак Че Ёнганинг «Шаддод қиз» номли бир-биридан қизиқарли, ёшлар ҳаётига оид фильмлари томошабинларда яхши таассурот қилдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Собир Раҳимов туманидаги 29-ўрта мактаб томонидан 1983 йилда Маҳкамов Моҳир Эргашевич номига берилган Г № 260544 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АНАНД — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ниҳоят, Халқаро шоҳмот федерацияси (ФИДЕ)нинг ягона жаҳон чемпионини аниқлаш йўлидаги 15 йиллик саъй-ҳаракати мантиқий якунига етди. Ҳиндистонлик Вишванатан Ананд Боннда ўтказилган учрашувда ўз унвонини ҳимоя қилиб, ягона жаҳон чемпиони эканини тасдиқлади. Дунё шоҳмотини бирлаштирувчи шундай шарафли ишнинг амалга ошишида ўзбек ўғлони, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ҳам катта улуши бор.

Маълумки, 1993 йилда россиялик жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ФИДЕ мусобақаларидан чиқиб, янги тизимда жаҳон чемпионатини ўтказишга киришди. 2000 йилда у ўз унвонини россиялик Владимир Крамникка бой бергандан кейин аҳвол янада жиддийлашди. Чунки Крамник на жавоб учрашуви ўтказди, на ФИДЕ мусобақаларига қўшилди. 2002 йил Прагада ФИДЕ ва етакчи гроссмейстерлар битимга келишиб, ягона жаҳон чемпионини аниқлаш тизимини ишлаб чиқишди. Афсуски, 2004 йилда Каспаров ҳамюртимиз Қосимжонов билан учрашув ўтказмасдан шоҳмотни тарк этди.

ФИДЕ собиткадамлик билан хайрли ишни давом эттирди. 2006 йилда 18-жаҳон чемпиони болгариялик Веселин Топалов ва Крамник ўртасида жаҳон чемпионлиги учун мусобақа ўтказди. Унда россиялик шоҳмотчи ғалаба қозониб мутлақ жаҳон чемпиони бўлди. 2007 йилда Мексикада етакчи 8 гроссмейстер иштирокида жаҳон чемпионати ташкил этилди. Унда ғолиб чиққан Ананд жаҳон чемпиони бўлди, бироқ низомга кўра Крамник жаҳон чемпионлиги учун жавоб учрашуви ўтказиш имкониятини сақлаб қолди.

Германиянинг Бонн шаҳрида уюштирилган учрашув 12 ўйиндан иборат бўлиб, Ананд учрашувга тайёрланиш учун ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновни секундант-мураббий сифатида таклиф этди. Мусобақанинг бориши Қосимжоновнинг Анандга жуда катта амалий-назарий ёрдам берганини кўрсатди. Чунки 4- ва 6-ўйинларда қора доналар билан ғалаба қозонган Ананд айнан Рустам йўналишини танлади.

Жаҳон чемпионлиги учун учрашув Ананднинг 6,5:4,5 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Рустам Қосимжонов эса жаҳон чемпионига ёрдамлашган секундант-мураббий сифатида ҳам шоҳмот тарихидан жой олди.

А.БЕК.

✓ Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

БИР ТОННАЛИК «ТИШ»

уни деновлик шифокорлар бунёд этишди

Бугунги кунда сайёрамиз аҳолиси 7 миллиард кишидан ортгани маълум. Демак, шунча характер, феъл-атвор мужассам. Турфа хислатли одамлар ўз иқтидори, таланти билан рекорд ўрнатишга ҳаракат қилади. Уларнинг аксарияти ҳайратланарли, баъзиларидан тааҳжубга ҳам тушасиз. Германиялик Маркус Ризе велосипедда тескари ўтирган кўйи бир соатда 29,1 километр йўл босиб рекорд ўрнатган бўлса, Буюк британиялик Рори Блэквелл 400 та барабанда 16,2 соат давомида тўхтовсиз куй чалиб, машҳур китобдан ўрин олган. Булардан ташқари, Кентлик (Буюк Британия) моҳир сартарош Денну Роу 1 соатда қарийб 2 минг кишининг соқолини олишга улгурган бўлса, кениялик Жозеф Лав 30 бош сигирдан 531 литр сут соғиб, кўпчиликни ҳайратлантирган.

Бу борада мева ва сабзавот етиштираётганлар ҳам ортда қолишаётгани йўқ. Янги асрда Хитойда 6,3 кило тош босадиган бақлажон етиштирилган бўлса, ярим метрдан узун бодринг ўстирилгани дунё миришкорларини лол қолдирди. 209 килоли ошқовоқ дейсизми, 5 килодан зиёд келадиган турп ёинки ярим центнерлик карамми, хуллас, ишқибозлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган юмушларга қўл уришмоқда.

Деновлик шифокорлар эса ўзига хос янгиликка қўл уришди. Улар шаҳар марказида улкан тиш ҳайкалини бунёд этишган. Инсон аъзоси муҳим қисмининг оғирлиги нақд бир тонна келаркан. Бу ҳам ўзига хос мўъжиза.

— Оғиз бўшлиғидаги 32 бебаҳо бойликни асраш керак, — дейди стоматолог шифокор Зойир Қаҳҳоров. — Айримлар бунга унчалик эътибор бермайди. Кишининг соғлом бўлишида тишларнинг ўрни катта. Шунинг учун шаҳарнинг марказий кўчасида улкан ҳайкални бунёд этдик. Уни яратишда ўғлим Аҳроржон ҳам кўмаклашди. Мўъжиза автоматик айланиш хусусиятига эга. Баландлиги 3 метрдан зиёд. Диаметри 4 метрча келади. Унга оҳак, темир, пластмасса ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлатилган. Тепа қисмида ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида «Тишингизни асранг» деб ёзилган.

— Улкан тишни тўрт йилда бунёд этдик — давом этади Аҳроржон. — Дастлаб уни тиббиётда ишлатиладиган 3850 дона шприцдан қуришни мўлжаллагандик. Иссиқ-совуқда чидамсиз бўлгани боис, ундан воз кечдик...

— «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олиш ниятларингиз бор экан-да?

— Шундай орзуимиз бор, албатта, — дейди Зойир ака. — Чунки дунёда бундай ҳайкал ҳали яратилмаган. Қолаверса, биз учун энг муҳими, одамларнинг саломатлигидир. Зеро, уни кўрган ҳар бир инсон ўз тишлари тўғрисида ўйлаб кўрса, биз хурсанд бўламиз...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шукурбек Нормуродов олган сурат.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 11-noyabr • Seshanba • 134 (27.939) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил эта бошлаш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда банкнинг иштирокини кенгайтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини активлаштириш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлилигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологияларни ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2008-2009 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини 1-иловага мувофиқ қўшимча 72 млрд. сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд.сўмга етказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, қишлоқ жойларда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва мини-технологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни, чорва мол, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариладиган рақобатбардош маҳсулотлар кўргазма, ярмаркаларини ташкил этишда, реклама кампанияларини ўтказишда, шунингдек, уларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишнинг бошқа шаклларини ташкил қилишда тадбиркорларга ёрдам бериш;

(Давоми 2-бетда)

✓ 2008 йил – Ёшлар йили

БУЮК ИСТИҚБОЛИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган миллионлаб ёшларимиз ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келмоқда

«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди. Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинди ва «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу Дастур ижросини таъминлаш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

Мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя — амалда

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида, авваламбор, мустақиллик йилларида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатларининг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисми бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳиятига мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқилди. Бу борада юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат рўйхати тузилиб, қайси қонун ҳужжатлари такомиллаштиришни тақозо этади ва яна қандай янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозимлигига жиддий эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 8 январидан эътиборан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш мазкур қонуннинг асосий мақсадларидандир.

Президентимиз томонидан шу йилнинг 16 апрелида яна бир муҳим ҳужжат — «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, болалар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган мазкур қонун билан амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида-талабларига ҳам асосланади. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчисидир. Жумладан, жорий йил 4 апрелда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун, 8 апрелда эса «Болаларни меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун кучга кирди.

Шу тариқа мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу борадаги миллий қонунчилик тизимимиз халқаро ҳуқуқнинг демократик тамойилларига мос келиши билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ижобий жиҳатларини ҳам ўзида мужассам этган. Мазкур демократик стандартлар ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил этиб, қонунчилик жараёнида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг татбиқ этилмоқда.

Давлат дастури доирасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича статистика ҳисоботи тизимини жорий этиш, бу борада маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилаётир.

2008 йил давомида юртимизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори уч марта — 1 апрелдан 12 фоиз, 1 сентябрдан 20 фоиз ва 16 ноябрдан 12 фоизга оширилганини алоҳида таъкидлаш даркор. Жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда Президентимиз томонидан халқимиз, шу жумладан, ёшларимизнинг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, уларга ижтимоий мададни янада кучайтиришга мунтазам равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

3-бет >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	928,16
1 Англия фунт стерлинги	2145,02
1 Дания кронаси	234,41
1 БАА дирҳами	369,16
1 АҚШ доллари	1355,38
1 Миср фунти	245,76
1 Исландия кронаси	10,48
1 Канада доллари	1151,16
1 Хитой юани	198,66
1 Малайзия ринггити	383,31
1 Польша злотийси	477,08
1 СДР	2014,35
1 Туркия лираси	879,03
1 Швейцария франки	1155,09
1 ЕВРО	1744,37
10 Жанубий Корея вони	10,19
10 Япония иенаси	137,24
1 Россия рубли	50,19
1 Украина гривнаси	233,73

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

✓ ЎзХДП ҳаёти

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

УЛАР ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИДИР

Бутун фаолияти эзгуликка йўғрилган касб эгалари кўп. Улар орасида тиббиёт ходимлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Чунки умримизнинг бошидан охиригача саломатлигимизни асрашади, бирор дардга чалинсак улардан нажот кутамиз. 9 ноябрь куни мамлакатимизда — тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланди. Маълумки, ушбу соҳа ходимлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати ҳисобланади. Шу боис, партия ташкилотлари жойларда байрам тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашдилар.

Пойтахтимиздаги Илёс Эргашев номли 4-сон шаҳар клиник шифохонасида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди. Жамоада бугун 850 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Уларнинг 130 нафарга яқини шифокор, 300 нафарга яқини ўрта тиббиёт ходимидир. Бу ердаги бошланғич партия ташкилоти ўз атрофида жамоанинг 60 нафар аъзосини бирлаштирган. У Ҳамза туманидаги энг фаол, ташаббускор бошланғич бўғин ҳисобланади.

2-бет >

ЭЛ МУНОСИБЛАРНИ САЙЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига кўра, Самарқандда ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги маҳаллаларда фуқаролар йиғини оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни бошланди. Жумладан, Пастдарғом туманидаги Зангибой маҳалласида ўтган сайловда қатнашчилар ўзлари муносиб топган оқсоқол ва маслаҳатчилар учун овоз берди.

— Туманимизда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин бормоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Пастдарғом тумани бўлими раиси Шавкат Қорабоев. — Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳлар доимий равишда аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борди. Ҳар бир маҳаллада раисликка муқобил номзодлар кўрсатилмоқда. Очиқ, ошкора ташкил этилаётган овоз бериш жараёнида эл орасида ҳурмат қозонган, маърифатли ва ташаббускор кишилар сайланмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Хушхабар

ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШАДИ

Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати чорак финалида Хитой вакилларини мағлубиятга учратган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келаси йили Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди!

4-бет >

БУГУНГИ СОНДА:

• ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА 2
• ХИТОЙ: ШИМОЛИ-ҒАРБДАГИ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА 3
• ЗИЁРАТ очарчиликдан омон қолган инсоннинг тилаги 4

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

банк мижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, янги банк маҳсулотларини амалиётга жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг қўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тармоғини кенгайтириш;

микрокредитлаш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва «Микрокредитбанк» АТБнинг «Микрокредитбанк» АТБ томонидан:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича — Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун аввал олинган микрокредитлар ва унга қўшилган фоизларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб берган тадбиркорлик субъектлари бизнесни янада ривожлантириш учун кейинги микрокредитларни олиш ва «Микрокредитбанк» АТБ хизматларидан фойдаланишда устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига зарур ҳолларда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш учун «Микрокредитбанк» АТБга имтиёзли шартларда кредитлар бериш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 ноябрь

✓ Ҳуқуқий ислоҳот

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

жорий этилгани боис кўплаб фуқаролар «судланган» деган тамғадан сақлаб қолинмоқда

Юртимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва ярашув институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқлари ҳамда унинг манфаатларига нечоғли эътибор билан қаралаётганлигидан далолат беради.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларга дастлаб мустақил Ўзбекистон Конституциясида асос яратилган. Унда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келувчи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилувчи зарур қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Бу мамлакатимизда замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизимини шакллантириш имконини берди.

Президентимиз Олий Мажлиснинг қатор сессияларида суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи сифатида одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим бир йўналиши эканлигини таъкидлаб келади. Давлатимиз раҳбари 1995 йил 21 декабрдаги Олий Мажлиснинг сессиясида: «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак», деб уқтирган эдилар.

Юртбошимиз 2001 йил 2 августдаги Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки авваламбор, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини англаб олишига боғлиқ эканлигини асослаб берди.

Ушбу анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим этилган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят Процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар яқдиллик билан қабул қилишган эди. Натижада Жиноят Кодексида жиноятларнинг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар таркибига киритилди. Фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Ушбу қонун асосида Жиноят Кодексининг 15-моддасига ўзгартиш киритилган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилганлиги, Жиноят Кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш сифатидаги қўшимча жазонинг чиқариб ташланганлиги, вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабатларининг белгиланганлиги, иқтисодий жиноятлар натижасида етказилган зарарлар қопланган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши лозимлиги белгиланганлиги, шунингдек, Жиноят процессуал Кодексига ўзгартириш киритилган ҳолда ярашув институтининг жорий этилганлиги, тергов ва қамоқда сақлаб туриш муддатларининг қисқартирилганлиги ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судларида юқорида номи қайд этилган қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар сони сезиларли камайди.

2008 йилда жиноят ишлари бўйича вилоят ва туман (шаҳар) судлари томонидан жами 672 та шахсга нисбатан 509 та иш ҳаракатдан тугатилган, шу жумладан, кўплаб ишлар тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ЖК 66[1]-моддаси тартибида тугатилган.

Жорий йилда судлар томонидан ярашув институти қўлланган ҳолда 349 нафар шахсга нисбатан 311 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилиб, 349 нафар шахс «судланган» деган тамғадан сақлаб қолинди. Ушбу норма татбиқ этилиши оқибатида қонун кучга киргандан буён кўплаб шахслар ўз айбини бўйнига олиб, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни қопланганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод этилди. Энди кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг неча ўн минглаб оила аъзолари, қариндош-уруғлари, дўстлари ва яқинлари адолат устуворлиги боис енгил нафас оладилар.

1988 йилда туғилган термизлик А.Ж. кўчада ўзига таниш бўлган Р.Ж. билан гап талашиб, жанжаллашиб қолиб, уни уриб шикаст етказган. Суд ишни кўриб чиқиш давомида судланувчи ва жабрланувчига Жиноят Кодексига киритилган янги 66[1] моддаси мазмунини тушунтириб, агарда тарафлар зарарни бартараф этса, ўзаро келишиб, ярашса, суд мазкур жиноят ишини кўриб чиқмасдан туриб ҳаракатдан тугатиши мумкинлигини маълум қилган. Судланувчи ва жабрланувчи судга ўзаро ярашганликлари ҳақида ариза тақдим этишган. Суд бу ҳолатни инобатга олиб, жиноят ишини иш юритувидан тугатиш тўғрисида ажрим қилган.

Энди мана бу ҳолатга эътибор қаратайлик.

А.Х. эса спиртли ичимлик истеъмол қилиб, дўсти К.А.нинг отасига тегишли бўлган енгил автомашинани рухсатсиз бошқариб чиқиб, ҳаракатланиш қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда қарама-қарши томондан келаётган А.Р.га тегишли автомашина билан тўқнашув содир этган. Оқибатда А.Р.-нинг тан жароҳати олиши ва автомашинасига моддий зарар етишга сабабчи бўлган.

Суд судланувчининг жабрланувчи билан ярашганлиги, зарарни тўлаганлиги учун жиноят ишини иш юритувдан тугатган. Юқоридаги шахслар ярашув институти берган имкониятдан фойдаланиб, аввало «судланган» деган тамғадан, сўнгра ўзаро низолашишдан сақлаб қолинди.

Дарҳақиқат, ярашув институтининг давлатимиз қонунчилиги даражасида жорий этилишини жиноятчиликка қарши кураш сиёсатидаги ҳал қилувчи бурилиш, деб эътироф этиш лозим. Зеро, бағрикенглик, сабр-тоқатлилик, кечиримлилик халқимизга хос олижаноб фазилатлардир.

Ўктам ХОЛИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раиси.

✓ Сўз — ЎзХДП етакчиларига

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаган. Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг ҳам барча саъй-ҳаракати минтақада партиямиз электорати манфаатларига мос ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг изчил амалга оширишга қаратилган. 600 дан ортиқ бошланғич ташкилотларимиз, 14 та туман, 2 та шаҳар кенгашларимиз, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолияти бевосита партия Дастуридан келиб чиқадиган шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга киргани, сиёсий партиялар учун янги ҳуқуқий имкониятлар яратилгани бу борадаги ишларни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Партиявий фаолиятнинг асосий йўналишларидан бирини мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этади. Шу боис партия ташкилотлари бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Тарғибот ишларида ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани ҳамда уларда ҲДП ташкилотлари, фаоллари, депутатларининг иштирокига алоҳида урғу берилмоқда. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ: ***«Келажак бугундан бошланади. Бугун тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз»,*** деб қатъий таъкидлаган ва бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар яратишни устувор вазифа қилиб белгилаган эди. Ана шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари, фаоллар ва депутатлар ёш авлодни камол топтириш билан боғлиқ амалий ишларда бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Республика кенгашида ўтказилган — «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» деб номланган семинарда Президентнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан ёш келин-куёвларга уй-жой, мебель ва бошқа жиҳозлар сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар бериш тартиблари батафсил тушунтирилди. Таҳиатош шаҳрида 32 хонадонли янги уйнинг ёшларга топширилишида ТЭС очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси О.Ревенко, ҲДП депутатлик гуруҳи раиси Д.Дурдиева ва гуруҳ аъзоси Т.Утепберганов фаол қатнашдилар. Амударё туманидаги «Тош-ёп» ММТП бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга корхона томонидан моддий ёрдам уюштирилди, ҲДП фаоли, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Нукус шаҳар бўлими раиси Янгил Алланазарова раҳбарлигида кўплаб ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари тўйлари ўтказилди.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий ҳимоялаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ва бошқа ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини партия электорати, аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш ва амалга оширишда партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда фаолларимиз бевосита иштирок этмоқдалар. Халқ депутатлари Нукус туман Кенгаши депутати Мақсет Сабуров, «Бердан-баққол» кўп тармоқли хусусий корхонадан Бердан Абдирасулиев, Тўрткўл туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раиси Клара Сержанова, Мўйноқ туман Кенгаши депутати Жумабек Аллаберганов, «Дарсан» овул фуқаролар йиғини раиси Сапарали Шамуратов, Тўрткўл туман марказий шифохонаси БПТ раиси Бахтияр Казаков, Манғит ишлаб чиқариш тижорат марказидан Махсуд Жуматов, халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгаши депутати Алишер Худайберганов, «Бўстондонмаҳсулотлари» АЖ раиси Зарипбой Юсупов, «Олтин тола» АЖдан Бахтияр Абдуллаев ва бошқа фаолларимизнинг ташаббуслари билан кўп болали, кам таъминланган оилалар соғин сигир олиши, коммунал тўловларни тўлаш, ёлғиз кексаларнинг уйларини таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон ХДП республика, шаҳар ва туман кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили қабулхоналарга 500-700 киши турли масала билан мурожаат қилади. Мурожаатлар мониторинги жойларда аҳолини табиий газ, электр қуввати, ичимлик суви, уй-жой ва иш билан таъминлаш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг аҳволини ўрганишга, мавжуд муаммоларни таҳлил қилишга, уларнинг ечимларини топишга замин яратмоқда. Тегишли мурожаатлар мутасадди ташкилотлар орқали ҳал этилиши, партия сайланма органлари аъзолари ва депутатларимизнинг бу масалага кенг жалб қилиниши электорат манфаатларини ифода этишда кўл келмоқда. Қабулхонага мурожаат қилувчиларнинг учдан бир қисми қаровчиси йўқ қариялар, нафақахўрлар, вақтинча иссизлар, кам таъминланган оила аъзоларидан иборат. Мурожаатларнинг 65-80 фоизи ижобий ҳал қилинаётгани партиямиз таркибидаги бу тузилма фаолиятига янада кенг эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолияти учун катта имконият ва ваколатлар яратилган. Улардан қай даражада фойдаланиш, ташаббускорлигимиз ва фидойилигимизга боғлиқ. Афсуски, мавжуд имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ. Айниқса, бошланғич ташкилотлар, туман кенгашлари, депутатлик бирлашмалари фаолиятини барча ҳудудларда замон талаблари даражасига кўтаришимиз зарур. Изчил амалий ишларимиз билангина электорат манфаатини ҳимоя эта оламиз ва одамлар ишончини қозона оламиз.

Атаулла АСАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгес депутати

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

УЛАР ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Улуғ аждодларимиз жаҳон тиббиёти ривожига муносиб улуш қўшган, — дейди муассаса бош шифокори, соғлиқни сақлаш аълочиси, партиямиз фаоли Ҳусниддин Насриддинов. — Айтиш керакки, мустақиллик йилларида соҳамизда улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Биз ҳар доим Президентимизнинг ғамхўрлигини ҳис қилиб келамиз. Бу нафақат бизга, балки халқимиз соғлигини асрашга, соғлом авлод, соғлом наслни тарбиялашга эътибордир. Кейинги пайтларда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти, касалликни аниқлаш тизими тубдан такомиллашганини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. Меҳнатимиз эътирофи биздан халқ саломатлигини асрашга янада жиддий, масъулият билан ёшдашишни талаб этади.

— Шифокорларни бир жумла билан эзгулик касби эгалари, деб таърифлаш мумкин, — деди **Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши** раиси Авазбек Тошматов. — Партиямиз ўз Дастурида соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, ушбу муассасада ҳам фаолларимиз, хайрихоҳларимиз кундан-кун кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, тадбирда бошқа фаоллар, шифокорлар ҳам сўзга чиқиб, соҳадаги ислоҳотлар, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги вазифалар ҳақида фикр билдирдилар. Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари куни сифатида белгиланганини эса тизимда меҳнат қилаётганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга омил бўлаётгани таъкидланди. Тадбир якунида одамлар соғлигини асрашда фаоллик кўрсатаётган ходимларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари, Ўзбекистон ХДП сафига янги қабул қилинган йигит-қизларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

✓ ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ

ғолиблар сафидан жой олди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий вазифаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимини янада такомиллаштириш, йигит-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа мақсадларни кўзлаган «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танловининг биринчи босқичи Бухоро вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки руҳда ўтди. Яқинда танловнинг вилоят босқичи бўлди. Унда биринчи босқич ғолиблари ўзаро куч синашди.

— Шуниси қувончлики, — дейди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ойбек Мустафоев, — ҳар бир иштирокчи танловда ўзининг билим ва салоҳиятини тўла намойиш этишга ҳаракат қилди. Биз уларнинг мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, энг муҳими, эл-юрт тақдирига бефарқ эмасликларига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Дарҳақиқат, бухоролик ёшлар вакиллари танлов шартларини бажариш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий билимга ташна, ташаббускор, жамият олдида масъул эканликларини намоён этиб қолмай, балки ҳаётдаги ижтимоий муаммоларни зийраклик билан илғаши ва уни ҳал этишда ўзлари ҳам фидойи эканликларини амалда кўрсатдилар. Шу боис ғолибларни аниқлаш ҳакамлар учун осон бўлмади.

Танлов якуни бўйича биринчи ўринга ЎзХДП Бухоро туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Феруза Тоҳирова муносиб деб топилди. Олот туманидаги Педагогика ва спорт коллежи талабаси Мавжуда Олимова иккинчи, Когон туман партия кенгаши ёшлар қаноти раиси Гулчеҳра Муҳиддинова эса учинчи ўринни эгаллади.

— Танловдан шундай хулосага келдимки, — дейди Феруза Тоҳирова, — инсон бирор ишга жазм қилиб, уни амалга ошириш учун астойдил интилса, ўз мақсадига албатта етади. Давр олдимизга катта талаблар қўймоқда. Уларни бажариш учун янада пухта билим ва кўникмага эга бўлишимиз керак.

Танлов ғолиблари вилоят партия кенгаши ҳамда ҳомийларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши 20-оилавий шифохонада «Ўз касбининг фидойилари» деб номланган учрашув ташкил этди. Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан уюштирилган ушбу тадбирда соҳа вакиллари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Туман партия кенгаши раиси К.Акрамов тиббиёт ходимлари ЎзХДП электорати эканини таъкидлаб, ушбу соҳадаги партия дастурий мақсадлари ҳақида тўхталди. Ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Ш.Турсиметова соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ходимлар манфаатларининг ҳар жиҳатдан таъминланаётгани масаласига эътибор қаратди.

Учрашув сўнггида одамлар соғлиғини сақлашда жонкуярлик билан фаолият кўрсатаётганлар фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хонқа туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Зулфия издошлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилишида ЎзХДП туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаол иштирок этди. Унда тумандаги мактаблар, мактаб-интернат ва коллежлар ўқувчиларидан иборат 13 нафар истеъдодли қиз санъат, маданият, адабиёт, таълим йўналишларида беллашдилар. Ғолибларга туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУЮК ИСТИҚБОЛИМИЗ ЭГАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим олиб, ҳунар ўрганиб...

Мустақиллигимиз ўн еттинчи йилининг Ёшлар йили деб эълон қилиниши замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Зотан, Ўзбекистон — том маънода ёшлар мамлакати. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшлар муаммоларига эътиборни жалб этиш масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида туриши шарт.

Асосий қонунимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган. Шунингдек, Конституциянинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», деб белгиланган.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди. Йил бошидан буён 149 касб-ҳунар коллежи, 22 академик лицей, 634 умумтаълим мактаби, болалар спортини ривожлантиришнинг 184 объекти ишга туширилган.

Янги таълим масканлари замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилган. Ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури таълим соҳасидаги ана шу умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўналтирилган. Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши, жойларда мутахассисликлар ва ҳудудлар бўйича ёшларнинг иш билан бандлиги даражасини баҳолаш, бу борада қатъий статистика ҳисоботи ва мунтазам мониторинг олиб бориш каби ҳозир изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Жойларда ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчиларни тўлиқ ишга жойлаштириш, шунингдек, 2008-2009 ўқув йили битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда 545,2 минг янги иш ўрни очилди. Жойларда ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис, касаначилик соҳаларини ривожлантириш эвазига ташкил этилган ана шу иш ўринларининг катта қисмини ёшлар банд этаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимиз таълим муассасаларини олий маълумотли малакали ўқитувчилар ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизми жорий этила бошлангани муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг 2008 йил 24 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошлари ўртача 25 фоиз оширилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз таълим масканларида талабаларга таҳсил бераётган инсонлар меҳнатининг муносиб эътирофидир.

Табиийки, буларнинг барчаси таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани ва ҳаётимизда янги таълим моделининг кучли самарасига эришаётганимизнинг ўзига хос далолатидир. Энг муҳими, ўз Ватанининг тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга оширилган залворли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда.

Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир неча касб мутахассиси сифатида диплом олган, бир неча хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон кадрларни кўриб, қалбингизда ишонч, ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

Истеъдодларга қанот бағишлаб

Эл-юртимиз ўзининг истеъдодли фарзандлари билан, уларнинг халқаро фан олимпиадалари, жаҳон спорт майдонлари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш Ёшлар йилида нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчига айланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Sen yolg`iz emassan», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, «Истеъдод» жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Ҳаёт» каби нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этаётгани катта аҳамиятга эга.

«Келажак овози», «Янги авлод», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» каби республика танловларининг юқори савияда ташкил этилаётгани ёшларда чуқур билим олишга интилишни кучайтириш, илғор ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагоглар ўртасида инновация технологияларини жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан жойларда «Ёш оила» марказлари ташкил қилинди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда Ёшлар боғи барпо этилди. Бахт уйлари, спорт иншоотлари, бассейнлар, маданият ва санъат кошоналари қад ростламоқда.

Кези келганда, ҳозирги ёшлар ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланадиган, дунёнинг исталган чеккаси билан тезда боғланиб, осон мулоқотга кириша оладиган, қисқача айтганда, жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бугунги давримизга хос ва мос фарзандлар эканига эътиборни қаратиш ўринлидир.

Фарзандларимизнинг замон ва техникавий тараққиёт билан баравар одимлаётгани қалбимизга ғурур бағишласа, уларнинг онгу тафаккурини дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш масъулияти бизни янада ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишга ундайди. «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, табиийки, ана шу жиҳатлар ҳам назардан четда қолаётгани йўқ.

Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими амал қилмоқда. Олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича аспирантларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам таъсис этилган.

Шунингдек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақалари ўтказиш, ана шу тадбирларда ва халқаро миқёсдаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёш иштирокчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур барча мабларнинг Давлат бюджетидан ажратилиши ҳам давлатимизнинг ёшлар тақдири ва истиқболига нечоғли улкан масъулият билан ёндашишини кўрсатиб турибди.

Халқимиз ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада улкан обрў ва эътибор топмоқда. Бунда иқтидорли ёшларнинг хизмати салмоқлидир. Истеъдодларнинг юксак парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, меҳр ва эътибор, парвариш бўлмаса, ўсиш-улғайиш, камолот ва тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилгани тасодифий эмас. Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантиришга ҳам эътибор қучайди. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни маънавий тарбиялашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда давлат идоралари билан тегишли нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги натижасида юртимизда ўтказилаётган «Ниҳол» ва Зулфия мукофоти танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси доирасида ҳам ўзаро ҳамкорликда наинки мамлакатимиз доирасида, балки халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этган танловлар, фестивал-лар, форумлар ва анжуманлар ташкил этилди. Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бунга яққол мисол бўла олади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Оила — маънавият қўрғони

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим», деб таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Мамлакатимизда ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бунда, авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда эр ва хотин бўлаётган ёшларнинг тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса эканлиги, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши ҳақида жамоатчилик орасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Қизларимиз онгида оналик, ўғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда.

Ёш оила фаровонлиги миллий фаровонлигимиз асосидир. Ёш оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалларда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Президентимиз уқтирганидек, соғлом оила вужудга келиши учун, аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта, халқ эса бой бўлади.

Ўз уйим — ўлан тўшагим. Халқимизнинг ушбу пурмаъно нақлини сўзма-сўз шарҳлайдиган бўлсак, бировнинг уйида юмшоқ ўриндиқда ўтиргандан кўра, тап-тақир ўлан тўшақда, яъни бўйрада ўтирсанг ҳам, ўз уйинг, оиланг давраси яхши, деган мазмун чиқади. Зотан, ҳар бир ўзбек, ўзбекистонлик учун Ватан — муқаддас саждагоҳ бўлса, ўз уйи, яшаш маскани — Ватан ичра мўъжаз Ватандир.

Шу маънода, ёш оилалар учун уйлар бунёд этилиши «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар орасида энг аҳамиятли, алоҳида таҳсинга сазовор ҳайрли ишлардан бўлди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳар бири 32 хонадонли 67 уй қурилаётгани назарда тутилса, бу бунёдкорлик ишлари ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашишда, уларнинг моддий ва ижтимоий фаровонлигини оширишда нечоғли катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Натижада, бир томондан, минглаб ёш оилалар уйли-жойли бўлиб ҳаётга иштиёқи, келажакка ишончи янада ортаётган бўлса, иккинчи томондан, турмуш остонасига яқинда қадам қўйган ёшларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, яқинлари, маҳалла-қўй орасида давлатимизнинг оқилона сиёсатига нисбатан ҳурмат-эътибор тобора кучаймоқда.

Бу борада эришилаётган ютуқлар Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ёш авлодни, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг изчил давомидир.

Мазкур фармонга мувофиқ, ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ҳам ажратилаётир. Аҳамиятли томони шундаки, бундай кредитлар эвазига ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллалар оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг бошқа кўплаб йўналишлар қатори соғлом оилани шакллантириш, кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёшларни турмушга тайёрлаш борасида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Президентимизнинг жорий йил 18 июнида қабул қилинган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртимизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд. Ўтган даврда, бир томондан, ана шу ёш оилалар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг ўзвий қисмига айланди ва уни амалга оширишнинг зарур бўлган ҳуқуқий асослари яратилди, иккинчи томондан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш тизими шаклланди, учинчи томондан эса, ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Навқирон авлодга юксак ишонч, эътибор ва ғамхўрликдан баҳра олаётган ёш оилалар ўзлари қурган янги рўзғор учун ғурур ва масъулият ҳиссини янада теран англашга, ота-оналари, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, ўз фарзандларини халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга интилиб яшамоқда.

...Халқимиз 17 йил муқаддам дунёда ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, фаровон ҳаёт қурамиз, деб азму қарор қилган эди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда.

Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол ёш авлодимиз тимсолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

XORIJDA

ЕВРОПАДА: БАҒРИКЕНГЛИК ҲАФТАЛИГИ

Брюселлдаги Катта европа синагогасида нацистлар Германияси ҳудудида яҳудийлар қирғинбароти — «Биллур тун»нинг 70 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди. Йиғилганлар ҳузурида сўзга чиққанлар Европада бағрикенгликнинг янги тушунчасини шакллантириш зарурлигини таъкидлашди. Мазкур хотира маросими билан Брюселль, Прага ва Калининградда «Европада бағрикенглик куни» доирасидаги ҳафталик тадбирлари бошланди.

ХИТОЙ: ШИМОЛИ-ҒАРБДАГИ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Рейтер агентлиги маълумотларига кўра, мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган Цинхай провинциясида олти ярим куч билан зилзила рўй берган. Зилзила маркази провинциянинг йирик аҳоли пунктидан 161 километр олисда бўлган. Цинхай провинцияси геология хизмати вакилининг сўзларига қараганда, ҳозирча қурбонлар ва талафотлар тўғрисида бирон-бир хабар йўқ.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Банкнинг ҳисоб-китоб-эмиссия марказларини жиҳозлаш учун ZeXEL русумидаги 78 та модем сотиб олиш бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ушбу эълон қизиқиш уйғотган ускуна етказиб берувчилардан танловда иштирок этиш учун буюртманомаларни 2008 йил 18 ноябрь соат 11.00 гача қуйидаги манзилга тақдим этишларини илтимос қиламиз.

Ўзбекистон, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

Пул муомаласи бош бошқармаси.

Телефон: 235-56-09, 234-02-61.
Факс: 235-09-22.
e-mail:
maksimov@central.nbu.com,
rsaidov@central.nbu.com

Буюртманома шаклини олиш ва танлов шартлари билан танишиш учун юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат қилиш мумкин.

Алоқа боғланадиган шахслар — Максимов Алексей Юрьевич, Саидов Равшан Рустамович.

Берилган буюртманомалар асосида саралаш босқичидан ўтган барча иштирокчилар танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин.

REKLAMA

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Мулкий комплекс қуйидагилардан иборат:

◆ қуйидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган ускуналар:
— 23.000 минг квадрат метр ҳажмдаги ПВХ плёнкалари (жумладан, 5.000 минг квадрат метр ҳажмдаги кроплен ва гиплен);
— 4.300 минг квадрат метр ҳажмдаги ПВХ линолеум;
— пластмассадан босим остида ва экструзия усулида қуйиладиган 500 тонна ҳажмидаги халқ истеъмоли моллари;
— босимга чидамли, 200 тонна ҳажмдаги полиэтилен қувурлар.
◆ майдони 23 гектарни ташкил этувчи ер участкасида жойлашган, умумий майдони 37.314,2 квадрат метрни ташкил этувчи ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат зонаси.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек, танловни ўтказиш тартиби ва процедураси ҳақидаги қўшимча маълумотларни танлов таклифлари қабул қилинадиган охирги кунга қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 11 декабрь куни соат 18.00 гача (маҳаллий вақт билан).

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маъломотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармаси.

Телефон: 234-42-69, 234-11-17.
Факс: 235-57-04.

REKLAMA

ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШАДИ

AFC U-19 CHAMPIONSHIP SAUDI ARABIA 2008

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мусобақанинг «Д» гуруҳида Иордания (1:0), Австралия (1:1) ҳамда Таиланд (1:0) ёшлар терма жамоаларига қарши муносиб тўп сурган ҳамюртларимизнинг чорак финалга йўлланма олганлигини аввал хабар қилгандик. Қуръага кўра, Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим финал йўлланмаси учун «С» гуруҳи пешқадами — хитойлик тенгқурларига қарши майдонга чиқди.

Ушбу жамоалар бунгача расмий мусобақалар доирасида икки маротаба рўбарў келган. Шу йилнинг январида Доха (Қатар)да ўтказилган анъанавий «Дўстлик-2008» халқаро турнири дастлабки гуруҳ баҳсида хитойликлар 2:0 ҳисобида зафар қучишган бўлса, учинчи ўрин учун кечган учрашувда ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Қисқача айтганда, бу жамоалар бир-бирига жуда яхши таниш эди. Шу боис, Осиё чемпионати чорак финали баҳсида ҳар иккала жамоа ҳам майдонда ўта эҳтиёткорлик билан тўп суришди. Шунга қарамай, уюшқоқлик билан ҳаракат қилган вакилларимизнинг рақибларига нисбатан устунроқ эканликлари яққол кўзга ташланиб турди. Ҳатто терма жамоамиз сардори Шерзодбек Каримовнинг ажойиб тарзда амалга оширган бурчак тўпи Ву Ян қўриқлаётган дарвоза чизиғини кесиб ўтди. Аммо австралиялик ҳакам голни инобатга олмади. Натижада учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди — 0:0. Кўпчилик учрашув тақдири қўшимча вақтда ҳал бўлишига умид қилганди. Лекин қўшимча бўлимларда юзага келган бир қатор қулай вазиятлардан ҳамюртларимиз ҳам, хитойликлар ҳам фойдалана олишмади. Афсуски, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида бош ҳакам Бенямин Жон Уильямснинг қўпол хатоси нафақат Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини, балки миллионлаб мухлисларни ҳам қаттиқ ахволга солиб қўйди. Дарвозабонимиз ҳимоячи Ғулом Ўрунов боши билан узатган тўпни қабул қилиб олди. Ҳакам эса қутилмаганда дарвозабонни ўйин қоидасини бузган деб топди. Ҳакамнинг қарорига норозилик билдирган дарвозабон Дониёржон Усмонов майдондан четлатилди. Бу эса пенальтилар серияси арафасида Аҳмад Убайдуллаев шогирдларини қийин аҳволга солиб қўйди. Чунки уч нафар ўйинчини алмаштириб бўлган мураббийимиз майдонга бошқа дарвозабонни тушира олмасди. Натижада учрашув ниҳоясига етгунга қадар ҳимоячи Ислом Тўхтахўжаев дарвозабон ўрнини эгаллади.

Пенальтилар серияси эса дарвозани қўриқлаш бошқа бир ҳимоячимиз — Мурод Холмуҳамедовга ишониб топширилди. Бундай ҳаяжонли дақиқалар масъулиятини футболчилар яхши билишади. Пенальтиларни амалга оширишда ҳужумчимиз Санъат Шихов тепган тўпни рақиб дарвозабони қайтарди. Вазият биз учун янада оғирлашди... Лекин хитойлик футболчилардан бири хатога йўл қўйди. Мурод Холмуҳамедов эса рақибларнинг навбатдаги зарбасини қайтаришга муваффақ бўлди. Якуний ҳисоб — 4:3.

— Аввало йигитларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — деди учрашувдан сўнг Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаев. — Улар зиммасига юклатилган вазифани чиройли тарзда уддалашди. Биз хитойликлар билан бунгача икки маротаба ўртоқлик ҳамда шунча марта расмий учрашувларда куч синашгандик. Бу эса рақибни ўрганишимиз учун етарли бўлди. Футболда ҳакамларнинг хатосини кўрганман. Аммо бугунгидек қўпол хатога илк бор гувоҳ бўлиб турибман. Хайриятки, футболчиларимиз ўзларини йўқотиб қўйишмади. Айниқса, пенальтилар серияси Муроднинг дастлабки дақиқалардан астойдил ҳаракат қилганлиги йигитларимизга куч бағишлади. Бугун ғалабага биз кўпроқ муносиб эканлигимизни амалда намоён этдик.

Мусобақа низомига мувофиқ, Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати ярим финалчилари қаторида келаси йили ёшлар ўртасида Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Ёдингизда бўлса, бунгача мамлакатимиз ёшлари мураббийлар Виктор Борисов ҳамда Юрген Геде (Германия) бошчилигида 2003 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк маротаба иштирок этишганди.

Чорак финалнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Япония — Жанубий Корея — 0:3, Бирлашган Араб Амирликлари — Саудия Арабистони — 1:0, Австралия — КХДР — 2:1(асосий вақтда — 1:1).

Энди бугун ўтказиладиган ярим финалнинг дастлабки учрашувида ҳамюртларимиз Жанубий Корея ёшларига қарши майдонга тушишса, иккинчи ўйинда БАА — Австралия вакиллари ўзаро куч синашадилар.

Эркин ХОЛБОБО

УЧ ТУР ҚОЛГАНИДА...

Яна уч турдан сўнг футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лига баҳслари ниҳоясига етади. Мавсум охирлагани сайин ҳар бир учрашув ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Жумладан, куни кеча ўтказилган 27-тур ўйинларида ҳам бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди.

Жумладан, Қаршида ўтказилган «Насаф» — «Машъал» жамоалари учрашувида кўпчилик мезбонлар имкониятини юқори баҳолаган бўлса-да, ўйин меҳмонларнинг ғалабаси билан тугади — 2:3. Шунингдек, «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари баҳсида 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Нефтчи» — «Динамо» — 4:2, ЎзДонгЖУ — «Бунёдкор» — 1:4, «Қизилқум» — «Андижон» — 0:0, «Бухоро» — «Металлург» — 0:1, «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 2:1, ОТМК — «Навбаҳор» — 1:1.

✓ Ўтмишдан ҳикоялар

ЗИЁРАТ

очарчиликдан омон қолган инсоннинг тилаги

Бундан бир неча йил аввал Чимкентга йўлим тушди. Қайтишда автобусга чиқиб ўтиришим билан бир отахон келиб ёнимга жойлашди. Қўлидаги нарсаларни саранжом этгач, бурилиб мен билан сўрашди. Кўп ўтмай автобус жойидан қўзғалди.

— Қаерда турасиз ука, — дея сўради отахон.

— Юнусободда.

— Алвастикўприк деган жой бўларди, ҳалиям борми?

— Бор, лекин жуда ўзгариб кетган. Эски кўприк йўқ бўлиб кетди. Жарликлар, тепаликлар ўрнида жуда обод зиёратгоҳ, ҳашаматли бинолар қад ростлаган.

— У ерда чоғроқ масжит, яна чойхона бўларди? — деди нуроний қизиқсиниб.

— Масжит қайта қурилди, жуда бошқача.

— Нима, шунча ўзгариб кетдими, Тошкент?

— Нимасини айтасиз! Кўрсангиз, кўзингиз қувонади.

— Темир йўлнинг нариги тарафидаги пастқам жойларчи? Тепаликда тегирмон, қушхона бўларди.

— Улардан асар ҳам қолмаган. Ўша Алвастикўприк деган жойда, вақтида кўплаб ватандошларимиз отилган. Шунинг учун ҳали мен айтган «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳи барпо этилди. «Қатағон қурбонлари» музейи, муаззам кўприк, фавворалар, ёдгорлик обидаси қурилди. Бир вақтлар одамлар ўзини олиб қочган кўркинчли жойлар шундай обод бўлиб кетдики, ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Бўзсув бўйидаги бу сўлим хиёбондан одам узилмайди.

— Тошкент жуда очилиб кетди деб кўп эшитаман, боргим, кўргим келади. Лекин ёш ўтгач, қийин бўлар экан. Аммо ўлмасам, бир бораман! — У шундай дегач, чуқур ўйга толди, кейин: — Биласизми сизнинг меҳрибон ҳамшаҳарларингиз, яъни тошкентликлар мени ҳаётимни сақлаб қолишган, — деди. — Бу жуда узун тарих.

У чуқур хўрсинди.

— Урушдан олдин очарчилик бўлган, — деди отахон, унинг томоғи бўғилди, овози титраб, кўзида ёш қалқди. — Фақат очарчилик эмас, қаҳатчилик, ҳамма бало қўшилиб келган. Отлиққа нон йўқ. Дон-дуннинг номи бору ўзи анқонинг уруғи. Қишлоғимиздаги одамлар очлиқдан ўлиб кетмаслик учун ҳар ёққа тўзғиб кетди.

Отахон дастрўмоли билан кўздаги ёшини артиб, ҳикоясини давом эттирди.

— Қишлоқда кексалар билан болалар қолган, холос. Улар қўлга илинган нарсани пишириб ейди, бир амаллаб кун ўтказади. Кунжара дейсизми, курмак дейсизми. Нималар бўлмаган, ука! Бу бош нималарни кўрмаган!

Ахийри, бўлмади, бир дўстим билан сомон ташийдиган четан аравага эргашиб йўлга чиқдик. Тиланчилик қилиб, одамларга ялиниб, ёлланиб, бир амаллаб Тошкентга, ўша Алвастикўприк деган жойга етиб бордик. Ҳамма емиш қидиради. Ҳаммаёқ қақшаб кетган; кайфиятим тушиб, нима қилишни билмай тургандим, бир отахон аравага юк орта бошлади. Кейин менга: «Болам, эшакни ушлаб тур, бўлмаса юриб кетади», деб юмуш буюрди. Эшакнинг нўхтасидан маҳкам ушлаганча оёғимни тираб турдим. Қопларни ортиб бўлгач, ўша отахон:

— Сен ҳам очарчилик сабаб улоқиб юрибсанми, болам, — деб сўради.

— Ҳа, — дедим.

— Унда юр, бизникида туриб, болаларга қўшилиб, ризқингни териб ейсан, — деди.

Аравага чиқиб, қопларнинг ёнига жойлашдим. Қарасам, қопдаги кепак экан. Аравaнинг четига тўкилган кепакни сидириб оғзимга солдим. Бирам тамли туюлдики, асти қўяверасиз. Яна қопнинг йиртиғидан озгина олиб оғзимга солган эдим, отахон сезиб қолди, ўгриб қаради.

— Икки кундан бери туз тотганим йўқ! — деб зорландим.

— Кепакни хом ема, шишиб кетасан. Қанча одам шишиб ўлди.

Ниҳоят, уйга етиб келдик. Болалар: «Дадам келди!» — деб аравани ўраб олишди. Мендан отимни сўрашди. Гапиришга ҳолим йўқ эди. «Соқов экан, соқов», деб чувиллашгани ёдимда, кейин нима бўлганини билмайман. Бир пайт кўзимни очсам, бир кампир тепамда турибди. «Хайрият, кўзини очди», деди у, кейин оғзимга бир нима тутди.

— Ют болам, ют! Ҳа, барака топ! Чайна, чайна!

Чайнагандим, оғзимга маза кирди. Нон мазаси! Ютиндим, бўғзимдан ўтди. Бир оздан сўнг аъзойи танимга илиқлик югурди. Кампир яна ивитилган нон ва сув билан сийлади. Ютингандим, жон киргандек бўлди. Ўрнимдан туришга уриндим. Мадор йўқ. Шунда суяб турғазди.

— Хайрият, хайрият! Омон қолдинг, болам, Худо деган жойинг бор экан! — деб оркамга кўрпачани буклаб қўйди.

Кейин билсам, мен ўзимдан кетиб қолган эканман. Ҳатто аъзойи таним совиган. Шу ҳолатда анча ётганман. Қарангки, яна ўзимга келганман.

Менинг омон қолганимдан, айниқса, болалар суюниб кетишди. Кейин улар яна чуғурлашиб, исмимни сўрашди. Ҳануз эсласам, кўзимдан ёш чиқиб кетади.

— Ўша отахоннинг исми нима эди?

— Абдураззоқ ота, ўғлининг оти — Суннат.

— Раҳматли яхши инсон эди!

— Оламдан ўтдими?

— Ҳа, тобутларини 110 ёш деб кўтардик. Бунга ҳам анча бўлди.

— Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин! Қабрлари нурга тўлсин! Шу ёшга кириб, у кишидек файзли инсонни кўрмадим. Насиб этса, бир кун Тошкентга бораман, албатта, қабрини зиёрат қиламан!

Ниҳоят, отахон манзилига етиб келди. У нарсаларини йиғиштириб хайрлашди-да, бекатда тушиб қолди.

Менинг юрагим ларзага келган эди. Қаранг, қандай одамлар ўтган. Шундай оғир замонда ўзидан ортиб, ўзгаларнинг кунига яраган!

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.00
7
Sotuvda erkin narxda

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ҚАРАҚАЛПАҚ КИМ-ЗИЯТ САУДАСИ» МЧЖ

КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

2008 йил 11 ва 27 декабрь кунлари соат 12:00 да Кимошди савдоси комиссияси иштирокида, мулкни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига қуйидаги корхонанинг мол-мулклари қўйилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри. Банкрот «МСПМК-364» МЧЖ мол-мулклари мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 101560000 сўм.

Кимошди савдоси Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 129-А уйда жойлашган мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112а-уй, «Бизнес маркази» биноси, 4-қават, 410 хонада қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш кимошди савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Харидорлар кимошди савдосида қатнашиш учун объект бошланғич боҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлашлари шарт.

Закалат пули «Қарақалпақ Ким-зият саудаси» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк», Нукус шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804526405001, МФО 00621, ИНН 206718234, ОКОНХ 84200 ўтказилади.

Маълумот учун тел/факс: 8(361) 222-00-84.

REKLAMA

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

2008 йил 28 июль куни Самарқанд вилояти Ургут тумани прокуратурасига ушбу ҳудуддаги «Омонқўтон» қишлоғида яшовчи фуқаро Умурхўжа Луқмонов ариза билан мурожаат қилиб, вояга етмаган қизлари 1991 йилда туғилган Шохўжаева Зарина, 1994 йилда туғилган Шохўжаева Зенфира ва 1996 йилда туғилган Шохўжаева Зарнигор Умурхўжаевналар 2008 йил 25 июль куни соат 09.00 ларда яшаб турган уйларидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганликларини баён қилиб, уларни топишда ёрдам беришни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган дастлабки текширувлар жараёнида вояга етмаган Шохўжаева Зарина сингиллари Зенфира ва Зарнигор билан биргаликда яшаш уйларидан ўзлари билан 700.000 (етти юз минг) сўм пул, шахсий буюмлари, яъни кийим-кечаклар, фотоальбомлар ва 3 дона VCD дисклари олиб чиқиб кетганликлари аниқланган.

2008 йил 28 октябрь куни Ургут туман прокурори А.Имомов томонидан Шохўжаева Зарина, унинг сингиллари Шохўжаева Зенфира ва Шохўжаева Зарнигорлар топилмагани сабабли, улар жиноят қурбони бўлганликлари эҳтимоли борлигини назарда тутиб, мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «а» банди билан № 27536-сонли жиноят иши қўзғатилган.

1.Шохўжаева Зарина Умурхўжаевна — 1991 йил 5 декабрь куни туғилган, миллати ўзбек, Ургут туман «Омонқўтон» қишлоғидаги Қоратепа касб-ҳунар коллежининг 2-курс талабаси.

Алоҳида белгилари: Бўйи 165-170 см., ўртача тана тузилишида, сочи узунлиги 35 см.гача қора рангда, қошлари ёйсимон, қора рангда, кўзлари қора рангда, бурнининг ўнг паст қисмида ва иягининг пастки ўнг томонидан қора холи, тепа жағининг чап ва ўнг томон учинчи тишлари устидан қўшимча тишлар ўсиб чиққан.

Эгнидаги кийимлари: қизил рангли гулли (сариқ матодан ишланган) аёллар кўйлаги ва лозимаси, оёғида қора рангли тапочка.



2.Шохўжаева Зенфира Умурхўжаевна — 1994 йил 18 июнь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек.

Алоҳида белгилари: Бўйи 155-160 см., ўртача тана тузилишида, сочи узунлиги 45 см.гача оч малла рангда, қошлари ёйсимон, қора рангда, кўзлари қора рангда, бошининг ўнг орқа тарафида эски яра излари мавжуд бўлиб, яранинг 5х6 см.ҳажмдаги жойида сочи ўсмаган.

Эгнидаги кийимлари: қизил рангли гулли (велюр матодан ишланган) аёллар кўйлаги ва лозимаси, оёғида оч кўк рангли қизлар резина тапочкаси.

3.Шохўжаева Зарнигор Умурхўжаевна — 1996 йил 23 февраль куни Ургут туманида туғилган.

Алоҳида белгилари: Бўйи 150-155 см., ўртача тана тузилишида, сочи узунлиги 25 см.гача оч малла рангда, қошлари ёйсимон, қора рангда, кўзлари қора рангда, пешонасининг олди ўнг тарафида билинар-билинмас 3 см.лар чамаси эски чандиқ излари мавжуд, кулганда юзининг ўнг тарафида кулгич-чуқурчаси пайдо бўлади.

Эгнидаги кийимлари: қора рангли (жинси матодан ишланган) қизлар шими, шимининг ўнг тизза қисмида оқ рангли гул билан кашталанган, оқ рангли қизлар футболкаси ва оёғида оч кўк рангли қизлар резина тапочкаси бўлган.

Сиздан, опа-сингил Шохўжаевалар ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги манзилга хабар беришингизни сўраймиз.

Бизнинг телефон: Самарқанд вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ қидирув бўлими (8-366) 231-16-52, 230-14-12, Ургут туман ИИБ (8-366) 483-10-27, 483-08-18, 917-12-25, 914-02-01.

Жиноятга жазо муқаррар

ҚАЛБАКИ ПУЛ «ИХТИРОЧИ»ЛАРИ

бўлган шоввозлардан минг сўмлик қийматидаги 1 миллион 700 минг сўмдан ортиқ қалбаки пул ва бошқа далилий ашёлар олинди

Фойдали меҳнат билан шуғулланишга бўйни ёр бермаган деновлик Жамшид Болтаев ҳамда Ўрал Алиёровлар мўмай даромад орттиришнинг жиноятқорона йўлини танлашди. Эндигина 20-23 ёшни қаршилаган йигитлар миллий валютамизни сохта йўл билан ишлаб чиқишни йўлга қўйишган. Улар минг сўмлик қийматида бўлган 450 минг сўм билан савдо қилишаётганида Сурхондарё вилоят Миллий хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ушланди. Улардан жами 1 миллион 700 минг сўм миқдордаги қалбаки пуллар топилган. Жамшид Болтаевнинг хонадонидан эса «HP-C-5183» русумдаги рангли принтер ва яна уч дона минг сўмлик купюра далилий ашё сифатида олинди.

Айни кунларда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ